

Шундай кунлардан бирида унинг қўл телефонида "қизингизнинг қаердалигини билишни истайсизми ё йўқ", қабилида СМСлар кела бошлади. Унга кўра, агар қизи ҳақида хабар олишни хоҳласа, 300 АҚШ доллари билан пойтахтга келиши керак экан.

8 бет

Нормуро ҳурсана ҳолда уйига қайтиб, бор гапни отасига айтди. Отаси ўлига атаб боқиб юрган қўйларини сотиб, айтилган пулларни ўлидан бериб юборди. Тошкентга етиб келган заҳоти Нормуро Бехбулга учрашди ва домлага 15 млн. сўмини берди.

10 бет

Ўзбекистон Республикаси Бosh Прокуратурасининг Нaшри

Mustaqillik huquq demakdir



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2011-yil 30-iyun, №26 (755)

Ялпи мажлис якунлари

Жорий йилнинг 14-17 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК Департаменти ва Марказий банк вакилларида ташкил топган Ўзбекистон Республикаси делегацияси Москва шаҳрида бўлиб ўтган Жиний даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш Евроосиё гуруҳининг (ЕОГ) 14-Ялпи мажлисида иштирок этиб қайтди.

Ялпи мажлисда ЕОГга аъзо давлатларнинг, Молиявий чоралар бўйича мақсадли гуруҳи (ФАТФ) вакиллари, шунингдек, қулатувчи мақомига эга бўлган йигирмадан ортиқ давлат ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди.

Ялпи мажлис доирасида хусусий сектор билан бирга "Глобал молиявий тизим ошқоралиги ва миллий иқтисодиёт хавфсизлиги йўлида ФАТФ стандартларини янгиллаш" мавзусида Консултатив Форум бўлиб ўтди.

Форум давомида жиний даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартларни такомиллаштириш, янги хавф ва таҳдидлар муаммолари ва шу каби бошқа масалалар кўриб чиқилди. Таъкидлаб ўтиш керакки, 40+9 ФАТФ Тавсиялари аввалига 1988 йил 19 декабрда Вена шаҳрида қабул қилинган БМТнинг "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши кураш тўғрисида"ги, 1999 йил 9 декабрда Нью-Йорк шаҳрида қабул қилинган "Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида"ги, 2000 йил 15 ноябрда Нью-Йоркда қабул қилинган "Трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши кураш" конвенцияларга асосланган эди. 2010 йил давомида ФАТФ Тавсияларига, шунингдек, БМТнинг 2003 йил 31 октябрда Нью-Йорк шаҳрида қабул қилинган "Коррупцияга қарши кураш" Конвенцияси талаблари билан ҳам имплементация қилинган.

[Давоми 3-бетда/]

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАНИ



Нукус шаҳри

Истиқлол шукруҳи

Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигини катта тантана билан нишонлашга қизгин тайёргарлик кўриётганган шу кунларда кўпчиликнинг кўнглига шукроналик туйғуси жо бўлганига шубҳа йўқ. Чунки бизда собиқ тузум давридаги турмушимиз билан ҳозирги эркин ва фаровон ҳаётимизни, дунёда, ён-атрофимизда бўлаётган қирғинбаротлар билан юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осийишта-ликни таққослаш имконияти мавжуд.

Жиенбой НОРИМБЕТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
прокурори вазифасини
бажарувчи

Мамлакатимизда ҳар кунги тўй, хурсандчилик. Кимлардир илк фарзанди туғилганидан қувонса, яна бировлар ўғлининг қўлини ҳалоллаб, элга ош бераётганидан шодланади. Деярли ҳар кунги маҳалларда фарзандларнинг камалидан мамнун оталарнинг никоҳ тўйини қайси кунга белгилаш хусусида оқсоқоллар билан маслаҳатлашаётганига гувоҳ бўласиз. Бундан ташқари, давлатимизнинг кўмаги билан янги уйларга қўчиб ўтиб, ҳовли тўйи қилаётган оилалар сони ҳам йилдан-йил ошиб бормоқда. Хуллас, қарияларимизнинг "Илоё тўйдан бошинг чиқмасин" деган эзгу тилаклари рўёбга чиқаётган аjoyиб замонда яшаймиз. Буларнинг барчаси истиқлолнинг шарофати.

Энг муҳими эса, истиқлолни кўз қорачиқдек асраб-авайлаш лозимлигини чин дилдан англаб етган юртдошларимиз бисёр. Улар сафида Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари ходимлари ҳам бўлиб, улар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича муайян ишларни амалга оширмоқдалар. Хусусан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан жорий йилнинг ўтган 5 ойи мобайнида ўтказилган текширишлар натижасига кўра жами 3619 та прокурор назорати хуж-

жатлари қўлланилди.

Протест келтириш йўли билан 271 та қонунга зид ва асоссиз ҳуқуқий ҳужжатлар қонунларга мувофиқлаштирилди. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари 525 та тақдимнома орқали бартараф этилди. Қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида 1153 нафар мансабдор шахс расман огоҳлантирилди. 1991 нафарининг интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилиш таъминланди. Етказилган 98990,0 минг сўмлик зарарни айбдорлар ихтиёрий равишда тўлашди. Судларга 437707,0 минг сўмлик зарарни ундириш бўйича 490 та даъво аризалари киритилди. Қўпол қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 106 та жиноят иши қўзғатилиб, 1439 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланишига эришилди.

Айниқса, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу соҳада ўтказилган текширишлар натижаси бўйича 330 та прокурор назорати хужжатлари қўлланилди. 19167,0 минг сўм зарар ихтиёрий ундирилиб, жиддий қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 47 та жиноят иши қўзғатилди. Масалан, Беруний туман прокуратураси томонидан тумандаги "Абай" ОФЙ мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Қам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни таш-

кил этиш масалалари тўғрисида"ги Қарори талабларига зид равишда фуқароларга ёрдам ва нафақа пулларини тайинлаб, 4052,3 минг сўм миқдоридagi бюджет маблағларини растрата қилганликлари юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Жорий йилнинг 1 майгача пенсия, нафақа пули ҳамда бюджет муассаса ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақларидан қарздорлик 15,0 млрд. сўмини ташкил қилган бўлса, 10 майга қадар тўлиқ тўлаб берилди.

Иш ҳақи ўз номи билан иш ҳақи, одамларнинг ҳалол меҳнати, пешона тери эвазига топадиган маблағдир. Бу борада қарздорликка йўл қўймаслик бўйича қорхона ва ташкилотлар раҳбарлари зиммасига улкан масъулият юкланган. Бироқ, ҳамма раҳбарлар ҳам зиммаларидаги масъулиятни чуқур англаб етганлар деб бўлмайди. Бу иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши юзасидан ўтказилган назорат тадбирларида яққол кўзга ташланмоқда. Масалан, "Микрокредитбанк"нинг Тўртқўл туман филиали томонидан 2011 йил 24-25 январь кунлари чек орқали туман ХТБга қарашли 44 ва 17-сонли умумтаълим мактаблари ходимларининг иш ҳақи учун 894,0 минг сўм ва 1664,0 минг сўм миқдорида маблағлар чиқим қилинган бўлса-да, аслида мактаблар гозинасига кириш қилинмагани, ҳадисига тарқатилмагани ҳамда банк мансабдор шахслари томонидан талон-торж этилганлиги юзасидан жиноят иши қўзғатилган.

[Давоми 4-бетда/]

2011 йил 28 июнда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бўйича қўмитаси ҳамда Ф.Эберт номидаги фонд томонидан "Воёга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш: Ўзбекистон ва Германия тажрибаси асосида" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Халқаро конференция

Конференцияда Олий Мажлис депутатлари, сенаторлар, Бosh прокуратура, суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, вазирлик ва идоралар, олий ўқув юрталари профессор-ўқитувчилари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, адвокатура, илмий юридик жамоатчилик, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иштирок этишди.

Тадбирдан қўзланган мақсад воёга етмаганларнинг одил судлов соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, судлар фаолиятида воёга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга оширишда халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш, воёга етмаганлар орасида қаровсизлик профилактикаси соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш масалаларини муҳофаза қилиш, шунингдек, бу борада Германия тажрибаси билан танишишдан иборат бўлди.

Конференция давомида воёга етмаганларга нисбатан суд амалиёти соҳасида қонунларни татбиқ этиш ва такомиллаштириш, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарасини ошириш, амалиётга жорий этилган "Хабеас корпус", "Миранда қондалари" каби институтларнинг фаолияти, воёга етмаганларнинг ҳуқуқларини муҳофаза этишда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокига доир маърузалар тингланди.

Конференция якунида миллий ОАВ орқали суд-ҳуқуқ тизимидаги демократик ислохотларнинг бориши ва қўлга киритилган ютуқлари кенг ёритилиш, Германиянинг бу борадаги илғор тажрибаси билан танишиш, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг воёга етмаганлар ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш, "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"ни амалга ошириш жараёнининг самарасини янада ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Гули ХОЖИБОЕВА,
«Huquq»

Фаолият самарадорлиги йўлида

Мамлакатимизда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош мақсадли фуқароларимиз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Бунини бошқа соҳалар каби юртимизда валюта бозорини эркинлаштириш борасида амалга оширилган ишчи чора-тадбирлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Шундай бўлса-да, орамизда валютафурушликни ўзининг даромад манбаига айлантириб олган кимсалар ҳам йўқ эмас.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК Департаменти органлари томонидан валюта бозорини эркинлаштиришга қаратилган норматив ҳужжатлар ижросини таъминлаш, валюта соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ноқонуний хатти-ҳаракатларни фош этиш борасида жорий йилнинг 5 ойида амалга оширилган тезкор-тадбирлар натижасида 411 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 243 та жиноят иши кўзга тилиди ва 168 та маъмурий

ишлар юритилди.

Ноқонуний муомалада бўлган 673,7 минг АҚШ доллари, 6,5 минг евро, 586,2 млн. Ўзбекистон сўми, 1,09 млн. Россия рубли, 2,4 млн. Қозоғистон тенгеси, 127,6 минг Қирғизистон соми ҳамда 320,6 млн. сўмлик заргарлик буюмлари ва 30,9 млн. сўмлик 300 гр. олтин куймалари ҳуқуқбузарлардан ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда фуқаро С.Бердиевнинг қонунга хилоф равишда 5 минг АҚШ долларини 12 млн. сўмга сотганлиги аниқланган бўлса, шундай яна бир тадбирда фуқаро З.Эшқобилов ҳам нафс домига илинди. У 3 минг 300 АҚШ долларини харидорга 7 млн. 953 минг сўмга сотган вақтида қўлга олинди. Ҳар икки ҳолат бўйича қонунбузарларнинг суд олдида жавоб беришларига тўғри келди.

Шунингдек, кейинги пайтларда валюта "қора бозор"ларини маблағ билан таъминлашнинг асосий манбалари

дан бирига айланиб бораётган тижорат банкларининг валюта айирбошлаш шохбчаларида содир этилаётган валютага оид қонунбузарликларни фош этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида мазкур соҳада олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида бундай шохбчалар фаолияти билан боғлиқ 7 та жиноят фош этилиб, улар бўйича ноқонуний муомалага қиритилган 19,6 минг АҚШ доллари ва 65,5 млн. сўм маблағ ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Хусусан, Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда бир гуруҳ фуқаролар ОАИТ "Ипак йўли" банки Чилонзор филиали қоидага валюта айирбошлаш шохбчасида бошқа фуқароларнинг номига ҳақ эвазига валюта сотиб олаётган вақтда ушланиб, улардан 31,1 млн. сўм пул, 8210 АҚШ доллари ва валютафурушлардан бирига тегишли бўлган "Нексия" русумли автомашина

ашёвий далил сифатида олинган.

Департаментнинг Мирзо Улуғбек туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда ҳам бир неча фуқаро ўзаро тил бириктириб, ТИФ "Миллийбанк"нинг Академик бўлими қошидаги валюта айирбошлаш шохбчасида ноқонуний равишда бошқа фуқароларнинг номига ҳақ эвазига валюта сотиб олаётган вақтда ушланиб, улардан 18,4 млн. сўм ва 2 минг АҚШ доллари ашёвий далил сифатида олинган. Мазкур ҳолат юзасидан ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши кўзга тилиди.

Шунингдек, Департамент органлари томонидан экспорт, импорт ва бартер контрактлари бўйича 2011 йилда мавжуд бўлган, муддати ўтган дебитор қарздорлик юзасидан ҳудудий бошқармаларга юборилган шартномалар ўрганилиб, таҳлил қилиниши натижасида 1668,9 млн. сўм миқдоридега етказилган моддий зарар ва 15,7 млн. АҚШ доллари миқдоридеги валюта тушумини мажбурий сотишдан бўйин товланган

Мурат ХАЛИЛОВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи

лик ҳолатлари аниқланиб, 10 та ҳолатда жиноят ишлари кўзга тилиди.

Тошкент шаҳридан рўйхатдан ўтган "MULTITRADER" МЧЖ, "ABSOLUTE EXPRESS" МЧЖ, "EVRO EXPRESS" МЧЖ ва "ASIA TRADE GROUP" МЧЖлар таъсисчиси Г.Мавлянов ва бошқалар 48,1 млн. сўмлик солиқларни тўлашдан ва экспортдан тушган 893,4 млн. АҚШ долларини мажбурий сотишдан бўйин товланганлиги ҳамда 823,3 млн. сўмлик жиноий даромадларини легаллаштирилганлиги аниқланди. Департамент томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар билан ҳамкорликда 14 та тезкор тадбирлар ўтказилиб, ҳуқуқбузарлардан 23,8 минг АҚШ доллари, 13,1 минг Россия рубли, 1,4 млн. Қозоқ тенгеси, 97,9 млн. сўм пул ашёвий далил сифатида олинди.

Ҳар бир мурожаат эътиборда

Фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва мурожаатларини қўриб чиқишда қонунийликни таъминлаш прокуратура органларининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида "Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органлари, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, тақлифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда қўриб чиқишли шарт"лиги белгилаб қўйилган. Ушбу норма фуқароларнинг тегишли органларга мурожаат қилиш қоидаларини ифодалайди.

Мазкур конституцийий норма ҳамда "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг ижросини таъминлаш борасида Мирзо Улуғбек туман прокуратураси томонидан ҳам бирмунча ишлар амалга ошириб келинмоқда.

2011 йилнинг 20 январь куни фуқаро В.Калюжновнинг "Капитал Банк"нинг Мирзо Улуғбек бўлими томонидан уй-жай сотиб олиш учун кредит олишда сансалорликка йўл қўйилганлиги ҳақидаги аризаси туман прокуратураси томонидан қўриб чиқилди.

Иш ҳужжатлари ўрганилганда, В.Калюжновга "Капитал Банк"нинг Мирзо Улуғбек туман бўлими ходимлари 2010 йилнинг сентябрь ойидан буён кредит олишда сансалорликка йўл қўйиб, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган "Уй-жай қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисида"ги Низом талабларини қўпол равишда бузганлиги аниқланган.

Туман прокуратурасининг аралашувидан кейин В.Калюжновга уй-жай сотиб олиш учун кредит ажратилган. Туман прокуратурасига мурожаат қилган фуқаро Р.Худоянқ аризасида ўзи яшаб турган Марказ-1 мавзеси, 11-уй аvarия ҳолатида эканлиги сабабли уни таъмирлаш масаласида бир неча мартаба "Оқибат биринчи коммунал" ХУЖМШга мурожаат қилган бўлишига

Азиза ТҲҲҲҲҲ,
Мирзо Улуғбек туман прокурори ўринбосари

қарамай, ҳеч қандай чора қўрилмаётганлигини баён қилган.

Текширув жараёнида ҳақиқатдан ҳам мазкур манзилдаги уй аvarия ҳолатида бўлиб, узок йиллар давомидега капитал таъмирдан чиқарилмаганлиги аниқланди. Аҳолининг уйи капитал таъмирлаш борасидаги ширкатга қилган мурожаатлари эътиборсиз қолдирилиб, ханузгача амалий ёрдам кўрсатилмаган.

Туман прокуратураси аралашувидан кейин ариза муаллифи яшайдиган уй томи таъмирланиб, носозлиқлар бартараф этилган.

Шунингдек, туман прокуратурасига 2011 йилнинг 2 март куни фуқаро В.Кавеванинг Мирзо Улуғбек туман бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ходимлари томонидан унинг пенсия миқдори қайта ҳисоблаб берилмаётганлиги юзасидан ёрдам беришни сўраб ёзган аризаси қўриб чиқилди.

Текширув жараёнида маълум бўлишича, фуқаро В.Кавевага 2005 йилнинг 9 март кунидан 37 йил 1 ой стаж билан 18160 сўм ёшга доир нафақа таъинланган. 2010 йилнинг 1 декабрь куни ҳолатига В.Кавеванинг нафақаси 134455 сўм бўлиб, унинг пенсия миқдорини ҳисоблаб чиқишда айрим хатоликларга йўл қўйилганлиги аниқланган.

Прократура аралашувидан кейин фуқаро В.Кавевага пенсия миқдори қайта ҳисоб-китоб қилиниб, 2011 йилнинг 1 апрель кунидан унга тўланадиган нафақа миқдори 163972 сўмни ташкил қилган.

Текширувлар натижаларига кўра, мутасадди ташкилот раҳбарлари номига қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият ярати бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдирномалар киритилган.

Туман прокуратураси томонидан бундан кейин ҳам фуқаролар ва юридик шахсларни қабул қилиш, мурожаатларни қонунда белгиланган тартибда тўлиқ ва сифатли қўриб чиқиш ва ҳал этишга қаратилган тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, мазкур йўналишдаги прокурорлик назорати янада кучайтирилди.

Жамиятимизнинг барча жаҳазларида кенг қўлчан ёзаётган бунёкорлик ишлари, олиб борилаётган ислохотлар, пировард натижада мамлакат иқтисодий-сиёсий салоҳиятининг юксалишига хизмат қилмоқда. Айниқса, ислохотларни амалга оширишда ташаббускорлик кўрсатаётган раҳбарлар бош бўлган жойларда ҳаёт фаровонлашиб бормоқда. Аммо амал курсинига ўтирган заҳоти ҳам давлатнинг, ҳам халқнинг ҳақиқа хийнат қилмаган кимсалар раҳбар бўлиб қолсалар-чи?!

Пойтахт туманларидан биридаги бандликда қўмқалашиш ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш Маркази директори Ҳаққул Соибов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам ана шундайлардан бири чиқиб қолди. У раҳбарликка тайинланганда, марказнинг бош хисобчиси билан бош мутахассисларнинг "қўйнига қўл солиб қўрди". Улардан "маълум" ишорасини олган, туман ободоналаштириш бошқармаси бошлиғи Юсуф Умаровнинг ҳузурига йўл олди. Икки раҳбар нималарни режалаштиришди, бизга қоронғу, аммо орадан қўп ўтмай бошқармада илгари ишлаб кетган ва марказда ишсиз сифатида рўйхатга олинган 57 нафар фуқаронинг шахсига оид маълумотлар йиғилди. Сўнгга улар-

нинг номига "иш қидираётган фуқарони шахсий ҳисобга олиш" варақаси очилиб, ҳужжатлари ҳам гўё улар ишсиз сифатида БКМга мурожаат қилгандек расмийлаштириб, 2009 йилнинг август, сентябрь ҳамда октябрь ойларида бошқарма томонидан жамоат ишларида жалб этилгани ҳақида сохта талбел ва ведомостларни тайёрлашган. Шундай қилиб, 57 нафар фуқаронинг ўзлари хабарсиз бўлсалар-да, уларни меҳнат қилди дея, 50 фоиз ҳисобидан ҳар бирига 110 минг 868 сўмдан иш ҳақи ёзилди. Натижада, 6 млн. 319 минг сўмлик бюджет маблағлари ободоналаштириш бошқармасининг ҳисоб рақамига ўтказилиб, шунча маблағ талон-торож этилди.

Йил охирига келиб Ҳ.Соибов яна бир режани амалга оши-

Ўзлаштирилган миллионлар

ради. Яъни, марказ биносининг таъмирталаб эканлиги ҳақида санаси кўрсатилмаган "акт" тузиб, тегишли идораларга тақдим этиди ва натижада таъмирлаш ишлари амалга оширилишининг белгиланишига ҳамда тегишли миқдордаги пул маблағларининг қўйрилишига эришди. Шундай қилиб, "Golden Age" МЧЖ билан 2009 йилнинг 31 декабрига қадар 22 млн. 470 минг сўмлик жорий таъмирлаш ишларини бажарилиши тўғрисида шартнома тузилиши ва МЧЖ томонидан қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Аммо шартнома шартлари охиригача бажарилмади, антропо, таъмирлаш ишлари тугалланмай қолади. Бироқ, Ҳ.Соибовнинг топиригига кўра, марказ мутасаддилари таъмирлаш ишлари тўлиқ бажарилганлиги ҳақида далолатнома тузиб, газначилик бошқармасига тақдим этишди. Қарабисизки, юқорида қайд этилган миқдордаги маблағ у

ҳисобдан бунисига қўйрилиди...

Таъмирлаш ишлари мутасаддис жалб этилган ҳолда назорат тартибидега қайта ўлчанганда ҳақиқий ҳолат аён бўлди. Аслида бажарилган ишлар атиги 17 млн. 177 минг сўмни ташкил этган бўлиб, 5 млн. 292 минг сўм маблағ қўшиб ёзилган экан. Айтмоқчи, марказ мутасаддилари қайта касбга тайёрлаш учун рўйхатга олиниб, тахсил олган 41 нафар фуқаронинг 3 млн. 845 минг сўмлик талабалик нафақаларини ҳам сохта ҳужжатлар орқали ўзлаштириб оладилар.

Ҳ.Соибовнинг ҳамтовоғи - туман ободоналаштириш бошқармаси бошлиғи Ю.Умаровнинг қилишлари шеригиникидан қолишмайди. У амал курсидаги ўтирган, юқорида қайд этилган қонунбузилишларидан ташқари, ўзидан олдинги раҳбар томонидан ижарага берилган, бошқарма балансидаги трактор ҳамда автокюлгич

Сайёд ДЖУМАОБОВ,
Чилонзор туман прокурорининг катта ёрдамчиси

(автопогрузчик) учун тўловларнинг тўланмаслигига панжа ортидан қараб, муддати ўтган дебиторлик қарздорлиқни ундириш ва транспорт воситаларини қайтариш чораларини кўрмайди. Аксинча, уларни фойдаланиш учун яроксиз дея сохта ҳужжатлар тузиб, буйруқ чиқариб, тегишли идоралар орқали расмийлаштирилади-да, жами 4 млн. 670 минг сўмлик маблағни талон-торож қилади. Умуман олганда, марказ ҳамда бошқарма раҳбарлари яна бир қанча қонунбузарлик ҳамда ҳуқуқбузарлик ҳолатларини содир этиб, бюджетнинг анча миқдордаги маблағларини талон-торож этишган. Ҳар қандай жиноятга жазо муқаррар бўлганидек, улар ҳам суд томонидан тегишли жазога тортилдилар.

Ялпи мажлис якунлари

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

Форум якунларига кўра, йилги иштирокчилари томонидан ЕОГга аъзо бўлган давлатларнинг жиноий даромадлари легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимларига жорий қилиш мақсадида қатор тавсиялар ишлаб чиқилди.

14-Ялпи мажлис чоғида Қозоғистон ва Туркменистон давлатларининг жиноий даромадлари легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимлар бўйича ўзаро баҳолаш ҳисоботлари тасдиқланди ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш борасида қатор тавсиялар билдирилди. Қозоғистон ва Туркменистон давлатларининг ўзаро баҳолаш бўйича ҳисоботларнинг тасдиқланиши билан 4 йил давомида, яъни 2007 йил июнь ойидан бери давом этган ЕОГга аъзо бўлган давлатларнинг ўзаро баҳолаш жараёнининг биринчи босқичи якунига етди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ялпи мажлис доирасида "Жиноий даромадлари легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш Евроосийе гуруҳи тўғрисида"ги Битими имзолашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Битим ЕОГга қуйидаги аъзо-давлатларнинг вакиллари томонидан имзоланди: Белоруссия, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, Туркменистон, Хи-

той ва Ўзбекистон. Ўзбекистон Республикаси номидан ушбу Битим Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент бошлиғи вазифасини бажарувчи Б.А.Зиляев томонидан имзоланди. Яқин орада Битимга Ҳиндистон ва Қозоғистон давлатлари ҳам аъзо бўлишни режалаштиришмоқда.

Маълумот учун: ЕОГ тўғрисидаги Битим ЕОГ ва унинг ишчи органлари фаолиятини тартибга солувчи асосий ҳужжатдир. Битим ЕОГнинг ҳукуматлари ташкилот сифатидаги мавқеини белгилаб, унинг гуруҳга аъзо бўлган давлатларнинг тенг иштирокчилиги таъминлиги биноан амал қилади. Мазкур ҳужжат ЕОГнинг асосий мақсади ва вазифаларини, ЕОГдаги раислик тартиби, раисликка номзодларни белгилаш тартибини белгилаб беради. Шу жумладан, ушбу ҳужжат ЕОГ Котибиятининг асосий вазифалари, ЕОГга аъзолик шартлари, аъзо-давлатларнинг ҳуқуқ ва жавобгарлигини, кузатувчилик мақоми, шунингдек, ЕОГ фаолиятини молиялаштириш тартибини белгилайди.

ЕОГнинг Битимига илова ва унинг ажралмас қисми "ЕОГ бюджетини белгилаш ва шакллантириш тўғрисида"ги Низом ҳисобланади. Мазкур Низом ЕОГ бюджетининг шаклланиш тартибини ёритиб, ЕОГга аъзо давлатларнинг бадаллари миқдорини тартибга солишни, шунингдек, ЕОГ бюджетининг ижроси ва унинг назорат қилиш тартибини белгилайди.

ЕОГ Котибиятининг Россия Федерацияси ҳудудида жойлашиши тўғри-

сидаги Битимни имзолаш масалаларини кўриб чиқиб, Ялпи мажлис ЕОГ Раисига мазкур Битимни имзолаш тўғрисида ваколатларни йўллаш юзасидан қарор қабул қилди. Мазкур ҳужжат ушбу ташкилотнинг Штаб-квартирасининг Россиянинг Москва шаҳрида жойлашуви ва унинг ҳуқуқий мақоми белгилаб беради.

Бундан ташқари, Ялпи мажлис томонидан ЕОГнинг 2012 йил учун 24,5 млн. Россия рубли миқдоридаги бюджет белгиланди ва қатор молиявий-ҳужалик фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатлар тасдиқланди.

Шунингдек, Ялпи мажлис томонидан ЕОГнинг ишчи органлари фаолиятини тартибга солувчи бир қатор ҳужжатлар тасдиқланди. Бундан ташқари, Ялпи мажлис томонидан ЕОГ доирасида видеоконференцалоқадан (ВКА) фойдаланган ҳолда ҳамкорликда тадбирлар ўтказилиши бўйича Регламент тасдиқланди.

Мазкур ҳужжат ВКАдан фойдаланган ҳолда тадбирларни ўтказиш таъминлиги, тадбирларнинг турлари, уларга тайёргарлик кўриш жараёни, шунингдек, тадбирга масъул ВКА Операторининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

Видеоконференцалоқа имкониятларидан фойдаланиш жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳаси мутахассисларига профессионал тайёргарлик кўриш, уларни ўқитиш ва малакаларини ошириш жараёнида қатор қулайликларни яра-

Саидаббор ГУЛЯМОВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг
халқаро алоқалар бўлими
бошлиғи

тади, шунингдек, ҳамкорлик қўламининг кенгайишига туртки бўлади. Ўқувчиларни ўқитиш ва бошқа халқаро тадбирларнинг ўтказилишида қулайликларни, ЕОГ ва молиявий мониторинг бўйича халқаро ўқув-услубий маркази (МУМЦФМ) доирасида масофали тартибда ўқитиш имкониятини ҳам яратди.

Шу жумладан, Ялпи мажлис томонидан Яқин Шарқ ва Шимолий Африкада Молиявий чоралар бўйича мақсадли гуруҳига (МЕНАФАТФ) ЕОГнинг кузатувчи мақоминанинг тақдим этилиши ҳам маъқулланди.

Ялпи мажлис давомида иштирокчилар томонидан ЕОГнинг 2015 йилгача бўлган стратегик режалари муҳокама қилинди ва қатор чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ташкилий масалаларни муҳокама қилиш чоғида 2011 йилнинг сентябрь ойида ЕОГнинг халқаро амалий конференция, шунингдек, жорий йилнинг октябрь ойида типологиялар бўйича семинар ўтказилиши белгилаб олинди. ЕОГнинг навбатдаги 15-Ялпи мажлисини жорий йилнинг ноябрь ойида Хитой Халқ Республикасида ўтказилиши келишиб олинди.

Ялпи мажлис якунлари бўйича ЕОГнинг оммавий мурожаати қабул қилинди.

Ёшларга яна бир тухфа



Ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб етишишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида спорт иншоотлари ва маданий-маърифий биноларнинг қурилиб, фойдаланишга топширилиши кейинги йилларда олаётган ҳолатга айланиб қолади.

Фарҳодбек РАҲМОНОВ,
Хонобод шаҳар прокурори

Андижон вилоятида ҳам халқ фаровонлиги, соғлом ва баркамол авлод тарбияси йўлида кўплаб кўнгилочар тадбирлар ташкил этилмоқда, бино ва иншоотлар фойдаланишга топширилмоқда. Вилоят марказидаги "Ёшлар спорт саройи", "Ёшлар маркази" ёки кўни кеча ҳашаматли бинолар икки атрофини ўраб турган, автомашиналар ва пилдалар қатнови учун барча қулайликлар яратилган "Ўзбекистон" кўчасининг фойдаланишга топширилиши ва санъаткорлар иштирокида халқ сайлининг ташкил этилиши ҳам юқоридагиларнинг исботидир.

Шуни қайд этиш лозимки, юқоридаги каби оммавий тадбирлар, бунёдкорлик ишлари нафақат вилоят марказида, балки унинг чекка ҳудудларида ҳам амалга оширилмоқда. Бу ўз навбатида ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари, иқтидорларини тўла намоён этишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича Хонобод шаҳар комиссияси, прокуратураси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши ва бошқа мутасадди идоралар ҳамкорлигида 27 май кўни

шаҳардаги "Навоий" истирокхат боғида "Биз ёшлар терроризм ва диний ақидапарастликка қаршимиз" шiori остида 4 минг нафардан зиёд ёшларни жалб этган катта тадбир ўтказилди.

Тадбир аввалида ўтказилган меҳнат ярмаркасида бўш иш ўринлари билан иштирок этган 19 та корхонага 35 нафар коллеж битирувчилари ишга жойлаштирилдилар. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган 31 нафар битирувчиларга банк муассасалари томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш масаласи ҳал қилинди.

Меҳнат ярмаркалари эл суйган санъаткор Озодбек Назарбеков иштирокидаги гала-концерта улашиб кетди.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда Хонобод шаҳридаги "Нодира" кинотеатрининг тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, "Ёшлар маркази"га айлантирилиши эса мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллик тўйи арафасида ёшларимизга қилинган тухфалардан биридир.

Ушбу марказда ёшлар 15 та йўналиш бўйича касб-ҳунар сирларини ўрганмоқдалар.



«Huqiq» почтасидан

Тадбиркорлик фаолиятини бошлашимга тўсқинлик қилаётган барча сабаблар бугун ортга қолади. Ҳужжатларни расмийлаштириш ишлари тугалланиб, туман ҳокимининг ерни расмийлаштириш тўғрисидаги қарори чиқарилади. Бундан қувончим чексиз

Ташаккур

Мухтарам Президентимиз Ислам Каримов 2011 йили "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилганларидан руҳланиб, ўзим яшаб келаётган Поп тумани Сирдарё массивидаги туман ер захирасида бўлган 162-контурдан "Иссиқхона ва ёрдамчи бинолар қуриш учун" ер майдони сўраб, туман ҳокимиятига ариза билан мурожаат қилган эдим. Аммо, туман ер ресурслари идорасининг айрим ходимлари турли баҳоналар билан ер майдони ажратиш тўғрисида ҳужжатларни расмийлаштириш ишларини ортга сура бошлашди.

Шу кунларда туманимиздаги "Санъат саройи"да туман прокурори И. Солиев бошичилигида тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган шахслар билан очик мулоқот ўтказилиши ҳақида хабар топдим. Мен ҳам ўша учрашувда иштирок этдим. Овора-ю сарсонликдан сўниб бораётган иштиёқим яна жонланди. Шу кунийёк туман прокуратурасига бордим. Менинг мурожаатимни туман прокурори И. Солиев ҳамда прокурор ёрдамчиси Н. Абдуллаевлар тинглади. Сўбат давомида ҳар қандай янгилик тўсиқларсиз бўлмаслигини, иш фаолиятимни бошлашим мумкинлигини, бу йўлда учрайдиган муаммоларни босқичма-босқич, бамаслаҳат ҳал қилишда кўмак беришларини тўшунтирдим.

Умумдавлат иқтисодий йўналишда аҳамиятга эга бўлган барча йўналишда фаолият олиб бормоқчи бўлган барча тадбиркорларга қонунан ёрдам бераётган, энг асосийси, мурожаат этувчи фуқароларни ўз вақтида тинглаб, беминнат тўшунтиришлар бераётган И. Солиев ҳамда Н. Абдуллаевларга ўхшаган фидокор прокуратура ходимларига барча тадбиркорлар номидан миннатдорлик билдириб, уларга ташаккур дейман. Ўз вазифангизни виждонан бажаришингизда тугунмас куч-ғайрат ва албатта, сийҳат-саломатлик тилаб қоламан.

Араббой КОДИРОВ,
Наманган вилояти Поп тумани "Санг" қишлоғи,
Темирйўл усти" МФЙ

Ғалла — ризк-рўзимиз

Музаффар МАТЧОНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
прокуратураси бўлим прокурори

"Ҳақни бугаойга тўласин!" Бу қарияларимизнинг бизга билдирадиган энг яхши тилакларидан бири. Дарҳақиқат, бугаой азалии халқимиз учун яхшилик, бойлик, фаровонлик тимсоли бўлиб келган. Ҳадемай қўтағ 20 йиллиги нишонланадиган истиқлол бизга кўп неъматлар қатори ғалла мустақиллигига эришиш имконини ҳам берди. Бунда ғаллани экиб, парваришлайдиган деҳқонларимиз, уни екишдан то йиғиштириб олишгача жонбозлик кўрсатадиган тракторчилар, ўнг етказиб берадиган кимёгарлар ва бошқа кўллаб соҳа вакиллари қатори бу жараёнларда қонунарга риоя қилиниши устидан назорат олиб борадиган прокуратура ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органилари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 апрель кўнги "2011 йил бошқили дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш учун ҳалларга тегишли топшириқ ва кўрсатмалар берилган.

Республика бўйича бу йил жами 14 та туманда 2326 та фермер хўжалиги билан 53 минг гектар майдонда ғалла етиштириш режаси шартномалари тузилган.

Экилган ғаллани йиғиб олиш учун жами 215 та комбайн, шу жумладан, МТПлардан 38 та, мукобил машина-трактор паркларидан 91 та, "Агроин-техника" машина-трактор паркдан 76 та ва Миллий банк ҳисобидидаги 10 та комбайн мавсумда ишлатиш режалаштирилган. Утказилган мониторинг натижасида 215 та комбайндан 177 та, яъни 82 фоизи таъмирлангани аниқланган. Шундан 174 таси, яъни 81 фоизи комиссия томонидан қабул қилинган.

Ҳўш, қолган техникалар-чи? Улар нега ўрим мавсумига шай қилиб қўйилмаган? Қишлоқ хўжалиги техникаларининг мавсумга тайёргарлиги, уларнинг сақланиши юзасидан туман прокуратуралари томонидан ўтказилган тадбирларда бунга ойдинлик киритилди. Масалан, Тўрткўл МТП АЖДА ўтказилган мониторинг натижасида аниқланишича, ушбу корхона билан "Агробанк"нинг Тўрткўл туман бўлими ўртасида 2011 йилнинг 10 февраль кўни юқори унумли тракторларни таъмирлаш мақсадида 100 млн. сўм миқдорда кредит ажратиш ҳақида шартнома тузилган бўлса-да, банк томонидан ажратилган мақсадли кредит жамият мансабдор шахслари томонидан бошқа мақсадларга ишлатилганлиги аниқланиб, ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми "В" банди билан жиноят иши қўзғатилган.

Бундан ташқари, "Бўстон дон" қабул қилиш шохобчасида мутахассислар жалб қилинган ҳолда мониторинг ўтказилганда, ёнгина қарши қурашиш чоралари қўрилмаганлиги, электр симларида носозликлар борлиги аниқланган. Ушбу ҳолатлар бўйича шохобча раҳбарига нисбатан МЖТКнинг 211-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Ғалла — ризк-рўзимиз, стратегик муҳим ҳомаш. Уни нест-нобуд қилмасдан, ўз вақтида йиғиб-териб олиш дастурхонимиз тўкин-сочинлиги, турмушимиз фаровонлиги гаровидир.



/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

Иш ҳақи ҳақида гап кетганда, аҳолини иш билан таъминлаш масаласи ҳусусида ҳам гапирмасдан бўлмади. Янги иш ўринларини ташкил этиш, ишсизларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга масъул бўлган идораларда ўтказилган текширишлар натижасига кўра, 185 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. 81 та шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Жиноят аломатлари мавжуд ҳолатлар юзасидан 15 та жиноят иши қўзғатилди.

2011 йилнинг 4 ойи давомида жами 15464 та янги иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган бўлса, ҳақиқатда 15716 та иш ўрни ташкил этилиб, режа 107,6 фоизга бажарилган.

Жорий йилнинг 1 майгача республиканинг бандлиққа қўмаклашиш марказлари иш қидириб мурожаат қилган фуқароларнинг 9512 нафари, яъни 97,6 фоизи ишга жойлаштирилди. Фуқароларни иш билан таъминлашда жойларда прокуратура органларининг ташаббуси билан ўтказилаётган меҳнат ярмаркаларининг аҳамияти катта. Жорий йилнинг 4 ойи давомида 29 та ана шундай тадбир ўтказилиб, уларда 724 та корхона ва ташкилот жами 2234 та бўш иш ўринлари билан қатнашди.

Бугунги кунда Қорақалпоғистонда яшовчи 1 млн. 650 мингдан зиёд аҳоли-



Истиқлол шуқуҳи

нинг 934 минг нафари меҳнатга яроқлидир. "Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлардан бири — ушбу соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, янги иш ўринларини яратиш, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ошириш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилаш ҳисобланади. Бу борада салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, йилнинг 1-чорагида кичик корхона ва микрофирмалар ташкил қилиш ҳисобига 3984 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган бўлса, ҳақиқатда 4007 та иш жойи яратилди.

Кези келганда айтиш жоизки, "Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури ва Президентимизнинг "Тадбиркорлик субъектларини текширишлари янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида прокуратура органларига улкан масъулият юклатилган. Шундан келиб чиқиб, маҳаллий ҳокимият, давлат бошқаруви, назорат ва лицензия берувчи органлар томонидан қонун-

ларга риоя этилиши, қонун талабларининг бажарилиши устидан назорат янада кучайтирилмоқда. Ўтказилаётган назорат тадбирларида ушбу идоралар томонидан йўл қўйилган қонунбузарликлар оқибатида 67 нафар тадбиркорнинг ҳуқуқлари бузилганлиги аниқланиб, тикланишига эришилди. Масалан, Кегейли туман ДСИ бош инспекторлари Б.Абатов ва Б.Калимбетовлар тадбиркорлик оқибатида 67 нафар тадбиркорнинг ҳуқуқлари бузилганлиги аниқланиб, тикланишига эришилди. Масалан, Кегейли туман ДСИ бош инспекторлари Б.Абатов ва Б.Калимбетовлар тадбиркорлик фаолиятига тўқтинлик қилиб, тумандаги "Олпомиш" ҳусусий корхонасида ноқонуний текшириш ўтказганликлари аниқланиб, улар маъмурий жавобгарликка тортилди.

Ушбу мақолада биз Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органилари ходимларининг кўп қиррали фаолиятининг айрим жиҳатларига тўхталдик, холос. Ходимларимиз зиммаларига юклатилган вазифаларни беками-кўст адо этиш, Ватан ва халқ хизматига қамарбаста бўлиш, шу орқали мамлакатимиз тараққиётига баҳоли қудрат ҳисса қўшиш йўлида сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. Ушбу саъй-ҳаракатларимиз янада самара беришига, Ўртбошимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг келажаги буюк бўлишига аминимиз.

Тадбиркорларни қўллаб- қувватлаймиз

Мамлакатимизда Ўртбошимиз бошчилигида тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни ривожлантириш учун қўлай шарт-шароит яратиш, аҳоли фаровонлигини янада юксалтириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада қатор норматив ҳужжатлар қабул қилиниб, уларнинг ижросини таъминлаш, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, лицензия ва рухсатнома бериш жараёнидаги турли суниестемолчиликларга барҳам бериш орқали тадбиркорларнинг қўнуний манфаатларини ҳимоя қилиш чоралари қўрилмоқда.

Хусусан, 2011 йил 7 февралда тасдиқланган "Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурига кўра, юртимизда янада қўлай бизнес муҳити яратиш, бу бўйича қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, тадбиркорларга кўпроқ эркинлик бериш, хўжалик юртувчи субъектлар фаолиятини текширишларни қисқартириш, кичик бизнес субъектларининг молия-кредит ва ҳомаш ресурсларидан кенг фойдаланишни таъминлайдиган механизмларни жорий этиш белгиланган.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК Департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ходимлари ҳам зиммаларига юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда қатор ишларни амалга оширилмоқда. Мисол учун, 2011 йил 25 март кўни Чимбой туман истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти раҳбари Д.Ибрагимов ваколатини суниестемол қилиб, "Азамат Ясмина" МЧЖ сотувчиси А.Болибаевнинг ҳаракатлари юзасидан фуқаро Р.Алламуратова ёзган аризини қўнуний чора кўрмасдан ҳал қилиб бериш эвазига А.Болибаевнинг турмуш ўртоғи Ж.Калимбетовдан 130 минг сўм



Акмал РАҲМОНОВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси
бошқармаси бошлиғи

пўл пулни пора тариқасида олган вақтда ушланди.

Шунингдек, "Микрокредитбанк"нинг Манғит филиали бошқарувчиси лавозимида ишлаб келган А.Сержановни ҳам тадбиркорлик ривожига ғов бўлаётган кимсалардан дейиш мумкин. У шу банк ходимлари билан тил бириктириб, фаолиятини кенгайтирмоқчи бўлган "Искандаров Отамурод", "Қурбанбаев Саъдулла" каби деҳқон хўжаликлари ва бошқа тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредит маблағларининг маълум қисмини олиб қўлиб, ўз эҳтиёжга ишлатган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринларини яратиш ва солиқ базасини кенгайтиришга қаратилган ишларимиз ҳам бесамар кетмапти. Қўнуңчиликда таъкидланмаган ишлаб чиқариш билан белгиланган тартибга зид равишда шўғулланаётган фуқаролар фаолиятига қўнуний тус бериш, солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтказиш, стандартларга мос, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш борасидаги ишларимиз шулар жумласидандир.

Бир сўз билан айтганда, қўнуңга итоаткор тадбиркор мамлакат тараққиётига, аҳоли турмушининг янада фаровонлашишига салмоқли улуш қўшиш имкониятига эга шахсдир. Қўнуңга итоатсизлик эса, ҳеч қайси давлатда оқланмайдиган ҳолат ҳисобланади. Шундай экан, аввало, тадбиркорларнинг ҳуқуқий маданиятини оширсакки, ушбу фаолият билан боғлиқ бошқа муаммоларни ҳал этиш ҳам анча осонлашади. Мамлакатимиз ҳозиргидан-да гуллаб-яшнаб, дунёдаги энг ривожланган давлатлар сафига қўшилишига шубҳа йўқ.

Инсон — табиатнинг бир бўлаги

Бир пайтлар тўққинлари қирғоқни ювиб, турли-туман қушлар, балиқлар ва бошқа жониворларга макон бўлган, одамзотга ризқ улашган денгиз ўрнида бугун поёнсиз чўл ястаниб ётибди. Қумга ботган, фақат қовурғаси қолган кемалар нимаси биланмир тиззасини қучоқлаганча ёшлиги ҳақида маъзун ўй сурётган қарияларни ёлға солади...

Тодингиз, гап саҳро-денгизи ўртасида кўм-кўк оролдек, кўрган кўзга қувонч бағишлаган, бир авлод кўз ўнгидида кўлмакка айланиб, қуриб бораётган Орол денгизи ҳақида бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов БМТ Бош ассамблеясининг 48 ва 50 сессияларида жаҳон ҳамжамияти эътиборини Орол денгизи ва унинг бўйларида яшовчи инсонлар, табиий муҳит муаммоларига қаратар экан, улар глобал муаммо сифатида бутун минтақа салбий таъсир этганини айтиб ўтган эди.

Бугун Орол денгизининг ҳажми 13 баробар, чуқурлиги 26 метрга қамайиб, сув қирғоқдан юзлаб километрга кечкиниши натижасида, Орол-



бўйи минтақасида юзага келган экологик вазият табиатга ўзгача ёндашуви талаб қилмоқда.

1990 йилларга келиб, атроф табиий муҳитни соғломлаштириш ва муҳофаза қилиш учун барча ҳуқуқий механизмлардан, жумладан, прокурор назоратидан фойдаланиш зарурати яққол намоён бўла бошлади. Шундай шароитда 1993 йил 11 октябрда Орол табиатни муҳофаза қилиш прокуратураси ташкил этилди.

Бугунги кунда у Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг бутун ҳудудида табиатни муҳофаза қилиш, саноат объектлари ва бошқа иншоотларни режалаштириш, қуриш ва ишга туширишда табиатни муҳофаза қилишга оид норматив ҳужжатлар талаблари бузилишининг олдини олиш, аҳоли соғлиғига зиён етказувчи,

Рохат ЖАББОРБЕРГЕНОВ,
Орол табиатни муҳофаза қилиш прокурори

экологик талабларга жавоб бермайдиган технология ва моддалар ишлатилишини бартараф этиш, Орол денгизини тиклаш билан шугулланувчи ташкилот ва корхоналарнинг қонунларга риоя этилишини назорат қилиш ва бошқа вазифаларни амалга ошириб келмоқда.

Жумладан, 2010 йил 24 декабрь куни фуқаро Одилбек Раҳимбердиев ва бошқалар олдиндан жинойи тил бириктириб, Мўйноқ туманидаги Қозқодарё каналидан 133 та балиқни ноқонуний равишда овлаб, табиатга 22 млн. 788 минг 577 сумлик зарар етказишган. Ушбу ҳолат бўйича Орол табиатни муҳофаза қилиш прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳукмига асосан жазонинг

муқаррарлиги таъминланди. Жиноят қуроллари, шунингдек, "Дамас STD" русумли автомашина ҳам давлат фойдасига мусодара қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги Қарори билан тасдиқланган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури" талабларидан келиб чиққан ҳолда, Хоразм вилояти Табиатни муҳофаза қилиш Давлат кўмиталари, Давлат бионазорат Амурдарё махсус инспекцияси ва экология соҳасида назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашуш ва текширишлар ўтказилишининг олдини олиш юзасидан доимий назорат ўрнатилиб, улар қабул қилган ноқонуний қарорларга протест келтирилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида шу йўл билан 16 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Экология соҳасида қонунбузарларга нисбатан қонуний жазо чораларини қўллаган билан табиатга етказилган зарарни қоплаш, унинг асл ҳолатини тиклаш жуда қийин. Шу

сабабли прокуратура ходимлари томонидан ўтказилаётган тарғибот тадбирларида асосий эътибор сонга эмас, сифатга, фуқароларнинг табиатга бўлган муносабатини, дунёкарашини ихобий томонга ўзгартириш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилмоқда.

Бундан ташқари, хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиб чиққан ҳолда амалиётда учраётган муаммолар бўйича норматив ҳужжатларга киритилиши лозим бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича бир қатор тақлифлар тайёрланмоқда.

Жумладан, табиатга етказилган зарар учун юридик шахсларнинг жавобгарлигини қонунда белгилаш, содир этилаётган броконьерлик ҳақида хабар берганларни қонуний тартибда рағбатлантириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Инсон — табиатнинг бир бўлаги. Нафас олаётган ҳавомиз, ичактан сувимиз, фойдаланаётган еримиз, кўзимизни қувонтираётган табиат гўзалликларида келгуси авлодларимизнинг ҳам ҳақи бор. Мана шу ҳолатни, улар олдидаги масъулиятни чин дилдан англаб етишимиз лозим.

Келажаги порлок Ватан

Ҳар қандай мамлакатнинг эр-таси қандай бўлиши унла камол топаётган ёшларга боғлиқ. Ёшлар мисоли бир ниҳол. Қайёқа эгсанг, шу ёққа эгилди. Бунга тарихдан мисоллар кўп. Масалан, Гитлер 1933 йилда ҳокимият тепасига келгач, Германияда "Гитлерюгенд" дея номланган ёшлар ташкилоти тузиб, болаларнинг онига фашизм мафқурасини сингдира бошлаган эди. Шундай оғу таъсирида вояга етган манкуртлар Иккинчи жаҳон уруши йилларида инсоният бошига қанчалар кулфат келтирганлиги ҳам барчага яхши маълум. Бундан ҳулоса чиқаришимиз лозим.

Мамлакатимизда ёшлар тарбиясига масъул давлат ва жамоат ташкилотлари кўп. Улар орасида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўз ўрни бор. Бу ҳаракатнинг мақсади ёшларимизни Ватанга муҳаббат, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш, уларни ҳар хил ёт гоёлар ва оқимлар таъсиридан ҳимоя қилиб, маънавиятини бойитишга қаратилган. Бу борада "Қамолот" ЕИХ Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Уларнинг айримларига тўхталиб ўтсак. "Кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорлик йили" муносабати билан ёшларнинг тадбиркорлик гоёларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Кенгаш ташаббуси билан тадбиркорликни бошламоқчи бўлган 435 нафар коллеж битирувчисининг рўйхати олиниб, ҳозирги кунда уларга Қорақалпоғистон Республикаси Марказий банки томонидан йил бўйи имтиёзли кредитлар бериш режалаштирилган. Ҳозиргача Республика бўйича жами 74 нафар битирувчи имтиёзли кредит олишди.

Кенгаш қошида ташкил этилган "Ёш тадбиркор" консалтинг маркази томонидан ёшлар учун семинар-

Зафар ХАНИЯЗОВ,
"Қамолот" ЕИХ Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси

тренинглар ўтказилмоқда. Халқимизда кам таъминланганларга ёрдам бериш, ҳар қандай муаммони кўпчилик бўлиб ҳал қилиш минг йиллик қадриятларга айланиб кетган.


1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси Мусулмонлар қозие, Нукусдаги "Имом Эшон Муҳаммад" жоме масжиди, шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, маданият ва спорт ишлари бўлими ва "Қамолот" ЕИХ шаҳар Кенгаши билан ҳамкорликда шаҳарда яшовчи 50 нафар кам таъминланган оилалар фарзандларининг суннат тўйлари ўтказилганлиги ҳам кўнгилларга яхшилик уруғини сочганлиги, шубҳасиз. Бундан ташқари, "Қамолот" ЕИХ Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши мутасадди ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда ўтказилган "Аждодлар мероси — келажак пойдевори", "Экология ва мен", "Уч авлод учрашуви" каби тадбирларда, спорт мусобақаларида минглаб ёшларимиз иштирок этишмоқда. Уларнинг кенг дунёкараши, билимдонлиги, ғайрат-шижоатини кўриб, Юртбошимиз орзу қилганидек, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган баркамол авлод вояга етаётганига амин бўламиз. Демак, эртамиз бугунимиздан ҳам чиройли ва фаровон бўлишига шубҳа йўқ.

Қорақалпоғистон Республикаси



Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудуди 166,6 минг кв.км. бўлиб, аҳолиси 1 млн. 650 минг кишини ташкил этади.

Қорақалпоғистон 2 шаҳар, 14 туман, 10 туманлар тасарруфидидаги шаҳарлар, 26 шаҳарча (посёёлка) фуқаролар йиғинлари, 138 қишлоқ фуқаролар йиғинлари, 202 маҳалла фуқаролар йиғинлари, 1130 та аҳоли пунктларини ўзида жамлайди. Республика бўйича 25 401 та (2011 йил 1 июль ҳолатида) ҳўжалик юритувчи субъект фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, 6 та олий ўқув юрти, 101 та касб-ҳўнар коллежи ва академик лицейлари, 741 та мактаб, 322 та мактабгача таълим ҳамда 53 та мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолият юритиб келмоқда.



Суд-ҳуқуқ тизимини изчиладиган демократлаштириш ва либераллаштириш устувор вазифа

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда тарихан қисқа давр ичида улкан ўзгаришлар рўй берди, мамлакатимиз қиёфаси тубдан ўзгарди, ҳалқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этдик, бу йўлда эришадиган ютуқларимиз ҳалқро ҳамжамият томонидан тан олинди. Демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида изчил ислохотлар амалга оширилиб, ўз самарасини бераётди. Бироқ эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни ислох этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтариш талаб этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да мазкур мақсадларга эришишга қаратилган қатор вазифалар ва аниқ тақдирлар белгиланган. Хусусан, Концепцияда суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш йўналиши бўйича муҳим устувор вазифалар белгиланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан эълон қилинган Концепциянинг суд-ҳуқуқ тизимини ислох этишга оид йўналишида суд ҳокимиятини нуфузини ошириш, фуқароларнинг адолатли суд муҳожасасига бўлган ҳуқуқларини самарали таъминлаш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилган. Хусусан, судга қадар иш юритув босқичида қўлланадиган лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасасига жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбуриятлар чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартибининг жорий этилиши ҳақидаги тақлифнинг илгари

сурилиши шулар жумласидандир. Дарҳақиқат, лавозимдан четлаштирилган шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш каби Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида белгиланган қатор ҳуқуқлари қонунда белгиланган асосларга кўра чекланади. Конституциянинг 19-моддасида белгиланган нормага кўра, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч қандай ҳаққи эмас. Шунинг учун ҳам лавозимдан четлаштириш ҳам фақат суднинг санкцияси билан қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

Шу ўринда хорижий давлатлар жиноят процессуал қонунчилигини кузатадиган бўлсак, масалан, Францияда айнан лавозимдан четлаштиришга ўхшаш чора судьянинг ташаббуси билан, шунингдек, айбловчининг тақлифи ёки манфаатдор иштирокчиларнинг илтимосномаси билан суд томонидан қўлланилади. АҚШ, Германия қонунчилигига кўра ҳам айбланаётган шахс судьянинг қарори билан шартли равишда вақтинчалик лавозимдан четлаштирилиши мумкин.

Шахсни тиббий муассасасига жойлаштириш ҳам жиноят процессида қўлланиладиган шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини бевоқифа чекловчи процессуал мажбуриятлар чораларидан бири бўлиб, ушбу ҳолатда шахс эркинлиги бевоқифа чекланганлиги учун ҳам суднинг санкцияси билан қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Лавозимдан четлаштириш ва

шахсни тиббий муассасасига жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбуриятлар чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартибининг жорий этилиши суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида "Хабеас корпус" институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш имконини беради.

Айни пайтда суд мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, одил судлов тамойилларини ривожлантириш ва энг муҳими жиноят процессида ўзаро тортишув принципини самарали қўлланилишини кенгайтиришга қаратилган ислохотларнинг бугунги босқичи талабларидан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Концепцияда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 439-моддасига ўзгартиш киритиш ва унга мувофиқ биринчи инстанция судида иш бўйича айблов ҳулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юклашни назарда тутадиган норма ўрнатиш тақлиф этилди.

Таъкидлаш керакики, амалдаги Жиноят-процессуал кодексидан прокурорнинг суд терговидида айблов ҳулосасини ўқиб эшитириш бўйича мажбуриятни аниқ белгиланмаган. Қолаверса, Жиноят-процессуал кодексининг 439-моддасида суд терговидида айблов ҳулосасини ўқиб эшитиришдан бошланади, деган умумий ва мавҳум норма белгиланганлиги боис, бугунги кунда айблов ҳулосасини кўпинча судьялар томонидан ўқиб эшитириш каби номувофиқ амалиёт шаклланган. Бу эса,

суднинг вазифа ва мақсадларига мутлақо мос келмайдиган ҳақиқат жиноят процессида ўзаро тортишув принципини амалга оширишга тўқтинлик қилади. Зеро, ўзаро тортишув принципида кўра, суд айблов ёки ҳимоя тарафидида турмайди ҳамда уларнинг бирон-бир манфаатларини ифодаламайди.

Ваҳоланки, судлар Жиноят-процессуал кодексининг 25-моддаси талабларига, яъни ишлар суд мажлисида тарафларнинг ўзаро тортишув принципи асосида қўрилиши шартлиги ҳақидаги қоидага сўзсиз амал қилинишини таъминлашлари керак.

Ўз навбатида тортишув принципи айблов ва ҳимоя функциялари бир-биридан ажратилган ҳолда амалга оширилишини таъминлашга қаратилган қатор вазифалар белгиланган. Шунингдек, жиноят-процессуал қонунчилигида айблов ҳулосасини ўқиб эшитириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юклашни назарда тутадиган норманинг белгиланиши мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларида белгиланган суднинг мустақиллигини, ишни қўришда ҳолислиги ва адолатли қарор қабул қилиниши, пировардида одил судлов тамойилларини янада ривожланишини таъминлашга хизмат қилади. Қолаверса, Жиноят-процессуал кодексининг 25-моддасида белгиланган судда қўриладиганда айблов, ҳимоя қилиш ва ишни ҳал қилиш вазифалари бир-биридан алоҳида бажарилиб, айнан бир орган ёки айнан бир мансабдор шахс зиммасига юклатилиши мумкин эмас, деган қонуннинг тўлиқ рўёбга чиқишини таъминлайди.

Ойбек ХОЛМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Транспорт прокуратурасининг
АМИБ катта терговчиси

рус, Украина ва Озарбайжон Республикалари ЖПКга мувофиқ, суд терговидида айблов ҳулосасини ўқиб эшитириш бўлиб белгиланган.

Биринчи инстанция судида иш бўйича айблов ҳулосасини фақат прокурор томонидан ўқиб эшитириш лозимлиги ҳақидаги тақлиф қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги ўзаро тортишув, баҳс ва мунозаралар ишни қўришда ҳақиқатни аниқлашга, пировардида инсон тақдири юзасидан адолатли қарор қабул қилишнинг етакчи омилларидан бири ҳисобланади. Шу маънода, жиноят-процессуал қонунчилигида айблов ҳулосасини ўқиб эшитириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юклашни назарда тутадиган норманинг белгиланиши мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларида белгиланган суднинг мустақиллигини, ишни қўришда ҳолислиги ва адолатли қарор қабул қилиниши, пировардида одил судлов тамойилларини янада ривожланишини таъминлашга хизмат қилади. Қолаверса, Жиноят-процессуал кодексининг 25-моддасида белгиланган судда қўриладиганда айблов, ҳимоя қилиш ва ишни ҳал қилиш вазифалари бир-биридан алоҳида бажарилиб, айнан бир орган ёки айнан бир мансабдор шахс зиммасига юклатилиши мумкин эмас, деган қонуннинг тўлиқ рўёбга чиқишини таъминлайди.

Ўзбекистон мустақиллигининг илқ қўлларидан ҳуқуқлар ўз сийси, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ҳамда эркинликлар, жумладан, ўзларнинг ва бошқаларнинг бузилган ёхуд поймол қилинган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклаш ва ҳимоя қилиш мақсадида тегишли давлат органларига мурожаат этиш ҳуқуқлари Конституция ва амалдаги миллий қонунчилигимизда акс эттирилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида ҳар бир шахс бевоқифа ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларга ёки ҳалқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Ушбу конституциявий қонуннинг мантаний давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддасида ҳам фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқи алоҳида тартибга солинган бўлиб, унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат органларига аризалар, тақлифлар ва шикоятлар билан мурожаат этишлари мумкин. Бироқ ҳар бир фуқаро, бирор-бир гуруҳ, жамоа ёхуд юридик шахс ўзларининг мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланишлари бошқа шахсларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги кераклиги ҳам шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Давлат органларига жўнатилган ҳар бир хат ва оғзаки мурожаат ҳалқнинг эътиёжини, истагини ва кайфиятини билдирувчи воситадир. Фуқароларнинг

Мурожаатлар ортида инсон тақдири

Ф.ОТАЕВ,
Шахрисабз туман прокурори ёрдамчиси

мурожаатлари жамият фикрини, мамлакат турмуш тарзи ҳақидаги маълумотларни ифода этувчи асосий манбалардан бири ҳамда фуқаро ва давлат ўртасидаги ўзига хос мулоқотдир.

Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг бир қатор ҳуқуқ ва эркинликлари билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки ҳалқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи белгиланган.

Мурожаат этиш ҳуқуқи бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг муҳим конституциявий ҳуқуқий воситаси ҳамда уларни муҳофаза қилишнинг ташқилий-ҳуқуқий кафолатидир.

Фуқароларнинг мурожаатлари бу уларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишларининг бир қўлини, поймол этилган ёки бузилган ҳуқуқларини тиклаш усулидир. Ушбу мурожаатлар давлат, ҳўжалик ва ижтимоий-маданий соҳалардаги аҳолиларни ўзгартириш ва ривожлантиришга оид масалаларини ҳал этиш учун фойдали бўлган маълумотларнинг муҳим манбаи бўлиб, жамиятда рўй бераётган жараёнлар ҳақида маълумот етказди. Мурожаат қилиш ҳуқуқи қонунбузилиш эҳтимоли бўлган ҳолатларни бартараф этишнинг амалий усулларидан бири ҳисобланади ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Юқорида айтиб ўтилган қонун талаблари тўғри ва тўла бажарилиши устидан прокурорлик назоратини таъминлаш, прокуратура органларида фуқароларнинг ариза, шикоят ва тақлифларини қўриб чиқишида қонунларга риоя қилиниши

муҳим аҳамият касб этади.

Тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг раҳбарлари томонидан фуқароларни шахсан ўзлари қабул қилишлари, жумладан, прокуратура органлари раҳбарларининг қабулини мисол келтирсак, прокуратура ходимларининг иш фаолиятини тарғиб қилишга ва улар билан аҳоли ўртасидаги бевоқифа алоқани мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ушбу мақсадларга эришиш учун, даставвал, муайян ишлар амалга оширилиши лозим: масалан, оммавий ахборот воситалари орқали ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг раҳбар ходимлари томонидан фуқароларни қабул қилиш кунлари ва вақти ҳақида аҳолига мунтазам равишда ахборот етказилиши лозим.

Шу билан бирга, бевоқифа муассасалар ўзидан, кўзга қўринарли жойда фуқароларни қабул қилиш кунларининг санаси, вақти ва қайси бўлим (бошқарма) раҳбари томонидан қабул қилиниши кўрсатилган ҳававал ёки ушбу масала юзасидан қимга мурожаат этиш мумкинлиги ҳақида ахборот осиб қилиниши керак.

Бундан ташқари, навбатчи ёки бошқа махсус тайинланган масъул ходим томонидан фуқаронинг исми-шарифи, манзили, телефон рақами, мурожаатининг қисқа мазмуни ва қайси мансабдор шахс қабулига ёзилганлиги қайд этилган махсус китоб юритилиши лозим.

Фуқароларни қабул қилувчи раҳбар ёки бошқа масъул ходим уларни қизқитирувчи барча саволларига тўғри жавоб

бериши учун мазкур масаланинг барча тафсилотларидан хабардор бўлиши шарт, бунинг учун ушбу масалани тегишли бўлим ходимлари (мутахассислари) билан муҳожам қилиб олиши керак.

Юқорида айтиб ўтилган барча шарт-шароитлар республикаимизнинг барча прокуратура органлари фаолиятида тегишли тартибда ва мукамал даражада амалга оширилган бўлиб, ҳаттоки мурожаат этишни янги шакли тарихида прокуратура органларига "ишонч телефон"лари жорий этилган ва бугунги кунда амалиётда ўз самарасини бераётганлигини айтишимиз мумкин.

Мамлакатимизнинг турли давлат органларига ўз эътиёжлари билан ёки ижтимоий муҳим масалалар юзасидан ҳар йили миллионлаб фуқаролар мурожаат қилишади. Прокуратура органлари ҳам фуқаролар ўз муаммолари билан мурожаат этадиган давлат органларидан бири бўлиши билан бирга, ҳалқ наздида алоҳида эътибор ва ҳурматга сазовордир.

Фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш, ўта муҳим масала сифатида, Республика прокуратура органларининг доимий диққат эътиборида бўлиб келмоқда.

Ҳар бир фуқаро тегишли давлат органларига мурожаат этиб, айнан унинг масаласига алоҳида эътибор билан қаралиши, мурожаати эса ўз вақтида ва адолатли қўриб чиқишига умид қилади. Ҳар бир келиб тушган хат орқасида инсон ва унинг тақдири турганлиги аён. Айнан шунинг учун ҳам, фуқароларнинг мурожаатлари билан жонқур ва масъулиятли инсонлар ишлаши лозим.

Толлинг битимларининг ҳуқуқий табиати

Республикаимиз Президенти Исмоил Каримов Иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги "Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш" номи маърузасида таъкидлаганидек: "Биз шунга аминимизки, мамлакатимизда ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган фаровон демократик давлат барпо этишдек олий мақсадга эришмоғимиз учун Ўзбекистоннинг жазон ҳамжамиятига кенг миқёсда интеграциялашувини таъминлашимиз зарур".

Хорижий давлатлар билан ўзаро интеграция жараёни ўз навбатида ташқи иқтисодий битимларнинг ҳуқуқий табиати, моҳияти ва унинг ўзига хос хусусиятларини илмий ва амалий нуқтаи назардан тадқиқ қилиб ўрганишни ҳам зарурият қилиб қўймоқда. Шу боис, ҳозирги шароитда ташқи иқтисодий фаолиятга оид шартномавий муносабатларнинг фуқаровий ҳуқуқий тартибга солиниши энг долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ташқи иқтисодий битимлар орасида толлинг битимлари ўзига хос ўринга эгадир. Ҳўш, толлинг битими ўзи нима экан? Унинг ўзига хос хусусиятлари нимада?

Ушбу шартноманинг ҳуқуқий табиатини тўлиқроқ аниқлаш учун "толлинг" сўзининг луғавий маъносига эътибор қаратсак. Толлинг (англ. tooling — механик ишлов бериш) ташқи иқтисодий битимлар катрига кириб, хомашёга нисбатан ҳаракатлар амалга оширилади. Ушбу битимларга нисбатан барча ташқи иқтисодий битимларга қўлланмайдиган талаблар қўлланмади. Унинг ўзига хос хусусияти бўлиб, ушбу шартнома бўйича буюртмачи чет эллик бўлади ва хомашёни чет элдан олиб қиради, кейинчалик муайян давлат ҳудудида унга ишлов берилиб, тайёр маҳсулот буюртмачи мамлакатига олиб чиқиб кетилади.

Толлинг операциялари предмети ҳисобланиши хом-ашё ва қайта ишланган натижада шаклланди тайёр маҳсулот қайта ишлаб чиқарувчи давлатда солиққа тортилмади.

Хомашё божхона ҳудудида олиб қилиниш пайтида қайта ишлаш божхона режими остига жойлаштирилади. Ушбу режимида мувофиқ қайта ишлаш мақсадида мамлакатга олиб қилинган хомашё ва товарлар давлат иқтисодий сиёсатидан ҳоли бўлиб, мамлакат чегараларидан олиб кириш божлари ва солиқларидан тўлиқ озод этилиши билан характерланади. Ушбу ҳолат бир ашёни бир неча маротаба солиққа тортилишининг олдини олади.

Ўзбекистон Республикасида толлинг операциялари 2000 йил 20 июлда қабул қилинган ва 2000 йил 9 декабрда қучга кирган "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қайта ишлаш (Толлинг) бўйича операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги Низом билан тартибга солинади. Унга қўра қайта ишлаш бўйича операциялар Ўзбекистон Республикаси ҳўжалик юритувчи субъектларининг хорижий шахслар билан:

- товарларни қайта ишлаш ва уларга ишлов беришга;
- товарларни таъмирлашга, шу жумладан уларни тиклаш ва тартибга келтиришга;
- товар тайёрлашга, шу жумладан монтаж қилиш, йиғиш ва бошқа товарларга мослаштиришга;
- қайта ишлашга ёки уни оsonлаштиришга ёрдам берадиган бошқа товарлардан

тўлиқ ёки қисман фойдаланишга доир операцияларни амалга оширишга йўналтирилган фаолияти тушунилади.

Божхона ҳудудида қайта ишлаш ва божхона назорати остида қайта ишлаш режимларидан фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикасининг ҳўжалик юритувчи субъекти Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг лицензияларини олиши лозим.

Контрактларда қўйидагилар кўзда тутилади:

- қайта ишлаш учун хорижий товарнинг қиймати ва миқдори;
- қайта ишлашда фойдаланиладиган мамлакатимиз хомашёси ва материалларнинг қиймати ва миқдори;
- тайёр маҳсулотнинг қиймати ва миқдори;
- қайта ишлаш қиймати;
- қайта ишлаш муддатлари;
- тайёр маҳсулотни олиб чиқиш муддатлари;
- валюта тушумининг бир қисмини ваколатли банкка мажбурий равишда сотишининг шартлари, шакллари, тўлаш ва амалга ошириш муддатлари;
- ЭАВда белгиланадиган контракт суммаси;
- тарафларнинг хошияга қараб бошқа шартлар.

Тузилган контракт ваколатли банкка ва Ўзбекистон Республикасининг божхона органларига белгиланган тартибда импорт битими паспортини расмийлаштирмасдан ҳисобга қўйлади.

Ўзбекистон Республикаси ҳўкуматининг қарорлари асосида тузилган контрактлар, ҳўкуматлараро битимлар Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида рўйхатга олиниши керак.

Толлинг битимининг ўзига хос хусусияти шундаки, қайта ишлаш учун олиб қилинадиган хорижий товарнинг божхона расмийлаштируви "божхона ҳудудида қайта ишлаш" ёки "божхона назорати остида қайта ишлаш" режимларида амалга оширилади.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, бошқа мамлакат ҳудудида кадоқлаш ишлари амалга оширилса, бундай ҳаракатлар толлинг операцияси ҳисобланмади. Чўнки кадоқлаш натижасида товар ўз хусусиятини ва сифатини ўзгартирмади. Бундай ҳаракатлар хизмат кўрсатиш шартномалари билан расмийлаштирилиши лозим.

Толлинг шартномаси ҳар қандай ташқи иқтисодий битим сингари норматив ҳўкуқий ҳўжатларда эътироф этилган умумий шартларни ўзида ифода этади. Уларнинг шартномасида акс этирилиши мажбурий бўлиб, қўйидагилардан иборат:

- 1) Кириш қисми (преамбула). Контрактни кириш қисми контракт рақами, тузилган жойи ва санаси, юридик шахсларнинг тўлиқ номи, контрактни тузувчи шахсларнинг лавозими, фамилияси ва исмидан (ушбу шахслар фаолият юритиши учун асос бўлган ҳўжатлар (устав, низом, контракт

имзолашга ишончноманинг асл нусхаси ёки нотариал тасдиқланган нусхаси) кўрсатилган ҳолда) иборат бўлади.

2) Контракт предмети. Мазкур бўлимда товар (ишлар, хизматлар)нинг номи, унинг техник хусусияти, миқдори ва сифати, шунингдек, битим тури кўрсатилган.

3) Етказиб беришнинг базис шарт-шароитлари. Халқаро "Инкотермс-2000" қоидалари бўйича белгиланади:

- товарни олиб чиқиш — олиб кириш бўйича расмиятчиликларнинг бажарилиши;
- товарни сўғурталаш;
- товарнинг тасодифий йўқолиши ёки шикастланиши хатарининг сотувчидан ҳаридорга ўтиши.

4) Товари етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш) муддати. Контракта етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) муддати ёки санаси кўрсатилган.

5) Контрактни нархи ва умумий суммаси. Товар (ишлар, хизматлар) нархини белгилашда контрактда товар (ишлар, хизматлар)нинг ўлчов бирлиги, базис нархлар, қатъий белгилаш усули, ТИФ ТН коди ва биноан товар бирлигининг нархи кўрсатилган.

6) Тўлов шартлари. Ушбу бўлимда тўлов шартлари кўрсатилган, шу жумладан тўлов валютаси, шакли ва муддати белгилаб қўйилади. Агар тўлов валютаси контракт валютасидан фарқ қилса, бу ҳолда валютанинг қайта ҳисоб-китоб курси ва мазкур курсни белгилаш манбаси (контрактни имзолаш санасида, товарни етказиб бериш санасида, тўлов санасида) кўрсатилган.

7) Товари ўраб-жўйлаш ва тамгалаш. Ўраб-жўйлашнинг юкни ташиш вақтида унинг сўзсиз жисмий сақланишини таъминлаши шарт.

8) Товари юкка жўнатиш тартиби. Мазкур бўлимда сотувчининг товарни жўнатишга тайёрлиги ва амалга оширилган юкка жўнатишлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш бўйича мажбуриятлари белгилаб қўйилади; бу ҳақда ҳаридорни хабардор қилиш муддати ва усули кўрсатилган.

9) Товар (ишлар, хизматлар)ни топшириш-қабул қилиш тартиби. Товар (ишлар, хизматлар)ни топшириш дегадга контракт шартларида мувофиқ товарнинг сотувчи томонидан ҳаридор эғалигига ўтказилиши тушунилади. Товар (ишлар, хизматлар)ни топшириш — қабул қилиш ҳам миқдор, вазн бўйича, ҳам сифат бўйича амалга оширилади. Контракта мазкур мажбуриятни амалга ошириш тартиби кўрсатилган (ҳойи, унчини шахсларнинг жалб этилганлиги ёки жалб этилмаганлиги ва ҳоказо).

10) Рекламация. Етказиб берилган товарнинг сифати ёки миқдори, вазни, шунингдек ишлар, хизматлар сифатининг контракт шартларида мувофиқлиги муносабати билан ҳаридор томонидан сотувчига тақдим этиладиган даъволар. Контрактада рекламацияни тақдим этиш тартиби кўрсатилган: уни топшириш, сотувчи томонидан унинг қўриб қилиниши ва рекламацияга жавоб жўнатиш муддатлари, шунингдек, уни тартибга солиш муддатлари.

11) Кафолатлар. Мувофиқлик предметида сертификатлаши лозим бўлган товар (иш, хизмат)ларни етказиб бериш

контрактларида сотувчи томонидан тақдим этиладиган кафолатлар ҳажми, муддатлари белгилаб қўйилади. Сотувчи зиммасига муайян кафолат муддатида товар (ишлар, хизматлар) сифати учун жавобгарлик юклатилади ва тегишли равишда сотувчи томонидан ўз кафолат мажбуриятларининг амалга оширилиши тартиби белгилаб қўйилади.

Сотувчининг кафолат мажбурияти амал қилиши бошладиган вақт контракт шартлари билан белгилаб қўйилади.

12) Товар (ишлар, хизматлар)нинг келиб чиқиши. Контракта етказиб бериладиган товар ишлаб чиқарилган мамлакат ва хизматлар бажарувчининг мамлакатни кўрсатилган.

13) Жазо чоралари. Тарафларнинг қабул қилинган мажбуриятлари бажарилишини таъминловчи шартлар сифатида, контрактда одатда тарафининг ўз контракт мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун пеня ва/ёки жарима шаклида жазо чоралари кўзда тутилади.

14) "Форс-мажор" шартлари. Мазкур бўлимда тарафлар иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда юзага келган ва тарафларнинг мажбуриятларини бажаришларига тўсқинлик қилувчи энгил бўлмақ куч вазиятлари юзага келиши муносабатлари билан тарафларни контракт мажбуриятларини бажаришдан озод этиш имкониятлари кўзда тутилади. Контракта, бундай вазиятлар юзага келган тарафининг улар юзага келгани тўғрисида бошқа тарафни муайян муддат давомида хабардор қилиш мажбурияти кўрсатилган. Мазкур вазиятлар юзага келган мамлакатнинг ваколатли идораси томонидан берилган сертификат "форс-мажор" вазиятлари юзага келганлигининг зарурий

Улғубек МАМАЖОНОВ,
Бош прокуратуранинг
ОЎК етакчи мутахассиси

далил-исботи бўлиб ҳисобланади.

15) Ҳакамлик (арбитраж). Контрактада, тарафлар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган ва икки томонлама асосда тартибга солиниши мумкин бўлмаган низоларни ҳал этиш тартиби белгилаб қўйилади. Бунда мазкур контракт бўйича низоларни қўриш жойи ва қўриб чиқадиган орган аниқлаштириб қўйилади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳўкуқи толлинг шартномасига қўнун билан тақиқланмаган ва ўзгалар ҳўкуқига зиён етказмайдиган ҳар қандай шартни қўиши имкониятини яратди.

Хулоса қилиб айтиш жоизки, дунё бозори мавжуд экан, мамлакатлар ўртасида халқаро меҳнат тақсимоти ҳам мавжуд. Чўнки, ҳеч қайси мамлакат фақат ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот ҳисобига яшай олмади. Ушбу меҳнат тақсимоти муайян мамлакатларнинг жўғрофий ўрни, табиий иқлим шартлари, ишлаб чиқариш ва товар-хомашёларнинг олиниши, қазилма бойликлари, аҳолининг турмуш тарзи, урф-одат ва аъёналари билан боғлиқ, Шуни ҳисобга олган ҳолда толлинг битимларга оид илмий изланишларни қўчур ва самарали давом эттириш ҳамда ушбу муносабатларни янада ривожлантириш зарурати яққол кўзга ташланмоқда. Ўзбекистон Республикаси қисқа вақт ичида ташқи иқтисодий алоқаларни, шу жумладан, толлинг битимларини ҳўкуқий тартибга солиш, чет эл инвесторларини мамлакатимизга жалб қилишга оид қўнунчилик базисининг кўзга ташланган намунасини яратган.

Ишонч телефонлари

Маҳаллий давлат ҳўкимияти, назорат қилувчи ва лицензия беришчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига руҳсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга руҳсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашда қўнунбузилиш, бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз тадбиркорлар ўз ҳўкуқларингизни ҳўимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳўзуридаги Солиқ, валютасига оид жиноятларга ва жиноий қўрқомадларни легаллаштиришга қарши қўраушиш департаменти, Қўрақаллогистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокуратураларининг қўйида "Ишонч телефони" рақамларига ёки «007» қисқа рақамига қўнунроқ қилишигиз мумкин.

№	Прократура органлари	Ишонч телефонлари
1.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	Код: 8371 232-43-91 232-45-40
2.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳўзуридаги СВОЖЖДЛКК Департаменти	Код: 8371 233-84-20
3.	Андижон вилоят прокуратураси	Код: 8374 224-06-09
4.	Бухоро вилоят прокуратураси	Код: 8365 223-74-79
5.	Жиззах вилоят прокуратураси	Код: 8372 226-09-62
6.	Қашқадарё вилоят прокуратураси	Код: 8375 221-07-82
7.	Қўрақаллогистон Республикаси прокуратураси	Код: 8361 222-26-39
8.	Навоий вилоят прокуратураси	Код: 8436 225-07-17
9.	Наманган вилоят прокуратураси	Код: 8369 226-23-02
10.	Самарқанд вилоят прокуратураси	Код: 8366 225-07-34
11.	Сирдарё вилоят прокуратураси	Код: 8367 223-38-22
12.	Сўрхондарё вилоят прокуратураси	Код: 8376 223-20-36
13.	Тошкент шаҳар прокуратураси	Код: 8371 271-12-26
14.	Тошкент вилоят прокуратураси	Код: 8371 277-76-18
15.	Фарғона вилоят прокуратураси	Код: 8373 224-04-80
16.	Хўразм вилоят прокуратураси	Код: 8362 227-45-71

Бундан ташқари, фуқароларнинг илтимос ва мурожаатларини қўнундалик наватчилик асосида қабул қилиш бўйича барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари ташкил этилган.

Сизнинг ҳўқўқ ва қўнуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳўимоя қилиниши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Зулайхо опа "муҳаббат кўзни кўр, қулоқни қар қилиб қўям", деган гапни жула кўп марта эшитган бўлса-да, унчалик аҳамият бермас, бундай севги фақат китобларда бўлади, деб қулиб қўя қолади. Шунинг учун бўлса керак, ўзи ҳам оила қуриб, кетма-кет фарзанда кўрган пайт, бирор келиб, билим қўй, вақти келиб қизларини билан биттаси бир йигитни ёқтириб қолиб, у билан қочиб кетали, деганида ким билсин, нима деб жавоб берарин. Бунини қарангки, қизи Жамила (исм-фамилиялар ўзгартирилган) билан айнан шундай ҳолат юз бери-ю, бечора оназор бошини қайси деворга уришни билмай қолади.

Товламачилар

Ойбек МИРТЕМИРОВ,

Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи

Ўша кунини эрта билан уйғонди-ю, Жамиланинг уйда йўқлигини билиб, аввалига аҳамият бермади. Аммо вақт ўтса-да, қизи келавермагач, хавотир ола бошлади. Катта қизидан сўраган эди, шу ерда юрвди, деган жавобини олди. Кўнглига гашилик иниб, қўшини-кига чиқди. У ердан эса қизини маҳаллаларида яшовчи холасининг уйига тез-тез келиб турувчи Сардор исмли йигит ёқтириб қолгани-ю, ўша йигит Жамилани бу ердан олиб кетаман дегани, қизи бўлса кўнмаганини эшитиб, уйига югурди. Яна катта қизини кистовга олди. Ундан ҳақиқатан ҳам ўша йигит сингилсига телефон қилиб туришини эшитгач, дарҳол Жамиланинг қўл телефонида кўнги-роқ қилди. Телефон ўчирилган экан. Шоша-пиша уйдаги телефондан Сардорнинг рақамини кидира бошлади. Топгач, кўнги-роқ қилган эди, Сардорнинг ўзи жавоб берди. Зулайхо дарҳол қизини топиб беришини, йўқса ҳозирок унинг холасиникига чиқишини айтган эди, Сардор ундай қилмаслигини сўраб, шу кунлик Жамилани уйга жўнатиб юборишни ваъда қилди. Шундан кейингина Зулайхо опанинг кўнгли жойига тушгандек бўлди. Бироқ, қизи Сардор айтган вақтдан анча ўтса-да, келмагач, йигитнинг холасиникига югурди. Аксига олиб, у пойтахтга кетган экан. Оназор унинг уйдагилардан сўраб, телефон рақамини олгач, ўша ернинг ўзиданок, кўнги-роқ қилди. Унга бор гапни тушутириб, Сардорнинг уйи манзили билан уй телефони билан сўраб олди. Уйига қайтгач, эри билан пойтахтга йўл олди.

Айтмоқчи, у йўлга чиқишдан олдин Сардорнинг уйига телефон қилиб, аввалдан оғохлантириб қўйганлиги сабабли, уларни йигитнинг акиси Санжар қутиб олди. Эр-хотин Сардорларнинг уйига келиб, қизларини кўришгандан кейингина онанинг кўнгли тинчиди. Хар қанча жаҳли чиққан бўлса-да, меҳробларнинг ҳурматиини қилиб, уларнинг ёнида қизини уришмади. Ундан бу ерга ўз хоҳиши билан келганини эшитгач, йигитнинг онаси билан энди нима қилиш кераклиги ҳақида гаплашиб олди. Ахйир, мавриди келса, тўй қилишни режалаштириб, уйга энди қайтмоқчи бўлиб туришганда, Сардор Жамила билан гаплашиб олмоқчи эканини айтиб қолди. Жамила йигитнинг олдида бориб, икки-уч оғиз гаплашди-ю шу заҳоти қочиб қолди. Булар эса ҳой-ҳойлаганча қолаверди. Шу кунини алламаҳалгача уларни кидириб, топишолмагач, қизнинг онаси уйга қайтди. Она бўлса йигитнинг уйда ётиб қолди. Эрталаб йўлга тушганида йигитнинг онаси кўнги-роқ қилиб, ёшлар қайтиб келганини айтиб қолди. Дарҳол орақсига қайтган Зулайхо опа, қизини олдида солганча уйига қайтди.

Орадан кўп ўтмай қизи яна йўқолиб қолди. Бунинг устига Сардорнинг онаси ҳам келиб, ўғлининг йўқлигини айтди. Яна кидир-қидир бошланди, аммо йигит билан қиз ҳеч қаерда йўқ эди. Ун кунлардан кейингина уларнинг Россияга кетгани ҳақида хабар келди. Зулайхо опа бунга ишонмагани учун қизини кидиришда давом этаверди.

Шундай кунлардан бирида унинг қўл телефонида "қизингизнинг қаердалигини билишни истайсизми ё йўқ", қабилида СМСлар кела бошлади. Унга қўра, агар қизи ҳақида хабар олишни хоҳласа, 300 АҚШ доллари билан пойтахтга келиши керак экан. Зулайхо опа бундан шубҳаланиб, милицияга хабар берди-да, улар билан Тошкентга келди. Кечки пайт кўнги-роқ бўлди. Ўшақунинг у томонидан қизининг "Ая, ая" дегани эшитилди-ю, алоқа узилиб қолди. Кўп ўтмай яна кўнги-роқ бўлди. Бу сафарги бир аёл бўлиб, у Зулайхо опага такси ушлаб, қаерга келишини тушунтирди. Она айтилган ерга етиб келгач, яна ўша аёл кўнги-роқ қилиб, бир четда турган машинанинг ёнига келишни ташинлади. Она буйруқни сўзсиз бажарди-да, қизини кўрсатишни ёки у билан гаплашишни сўради. Бироқ ўшақунинг у томонидан "Қизингиз афзалми ёки пулни?" деган таҳдидли овозини эшитиб, қўрқиб кетди. Шундай бўлса-да, ўзини тутиб, қизини кўрмасдан пуллари бермаслигини айтган эди, "аввал пуллари ариққа ташланг, кейин қизингизни кўрсиз", деган жавобини эшитди. Рози бўлмаган эди, алоқа бўлмади, дея аёл телефонни ўчириб қўйди. Она ноилж уйига қайтди. Шундан кейин ҳам яна анча вақтгача СМСлар билан кўнги-роқлар бўлиб турди-ю, бир маҳал милиция ходимларидан бу ишларнинг тепасида ким турганини эшитиб, хайратдан ёқа ушлаб қолди.

Олиб борилган тезкор суриштирувлар натижасида бир оиланинг бошига тушган ташвишдан ўзларининг манфаатлари йўлида фойдаланиб қолмоқчи бўлган товламачилар ниҳоят қўлга олинди. Маълум бўлишича, Жамиланинг Сардор билан кетиб қолганидан фойдаланиб, онасидан 300 АҚШ доллари талаб қилган йигитнинг акиси Санжар бўлиб, унга бу ишда кўмаклашган, яъни Зулайхо опага манзилни айтиб, пуллари ариққа ташланг, деган аёл унинг таниши Сожида экан...

Ҳалоллик ва поклик инсонни камолотга элтувчи маъқлар. Пешона тери билан пул топиб, рўзгор тебратишининг гаши бўлакча. Бунини олам-зот онгли равишда тушунсангиз, ҳис қилади. Акс ҳолда у ҳалолликдан воз кечиб, ҳаром йўл билан пул топишга ўринади.

Ургутлик Абдурашид Абдуазизов бундан ўн беш йилча муқаддам ўзи яшайдиган Мўминобод қишлоғи ҳудудига жойлашган тоғда, кўздан панароқ жойга кўнор ўсимлигини экиди. Кўнори ҳосилга киргач, ундан 2 кг микдорда олий гиёвандлик воситаси тайёрлади. У опийнинг бир қисmini ўзи истеъмол қилди, қолган 85,99 граммни эса ҳовлисидаги узум жўяига кўмиб қўйди.

Шундай кунлардан бирида уникига кириб келган қариндоши Фарход, салом-алиқдан кейин "Сизда қоратори борми, харидор келгани", дея сўраб қолди.

— Ишончли одамларми?
— Қўрқманг, ишончли, "ўзи-

Оғуфурушлар

миздан".

— Қанча оларкан?

— Қанча бўлса, шунча оламиз, дейишяпти.

— Қани, унда чақир-чи...

"Харидор"лар ҳовлига кириб, Фарход уларни таништиргач, ўртада савдо бошланди.

— Тахминан 100 грамм бор. Хар бир граммга 4 минг сўмдан берибсизлар, — нархини айтди. "Харидор"лар рози бўлиб, чиқиб кетишди. Орадан уч кун ўтгач, яна пайдо бўлишди. Абдурашид Фарходнинг кўмағида пуллари санаб олгач, кўмиб қўйган жойидан гиёвандлик воситасини Фарходга келтириб берди. Фарход эса молни "харидор"ларга тутказди-ю, шу заҳоти унинг қўлларига кишан солинди...

Суд ҳукми билан Абдурашид Абдуазизов 12 йил 6 ой муддатга, унинг шериги Фарход Тошев 12 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Ҳафиз Аҳадовнинг етти нафар фарзанди бор. Афсуски, у аини болаларининг бахтини

Хуришд БҲРИЕВ,
Самарқанд вилоят
прокурори ёрдамчиси

кўрадиган ёшда жиноятга қўл урди. Юмуш билан Самарқанд шаҳрига келган Ҳ.Аҳадов бир аёл билан танишиб қолди. Ўзини "Мастура" деб таништирган аёл ундан гиёванд модда топиб беришни илтимос қилди. Бу илтимосни рад этолмаган Ҳ.Аҳадов ундан 200 минг сўм пул олди. "Ғойибота" қишлоғи ҳудудига канал ёқасида номаълум шахсдан 48,98 грамм олий гиёвандлик воситасини сотиб олгач, аёлга телефон қилди. Улар Ургут туман марказий ши-фохонаси олдида учрашди. У аёлнинг сумкасига молни солиб, энди хайрлашган ҳам эди, йўлини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари тўсишди.

Суд томонидан Ҳ.Аҳадов 8 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Суиистеъмолга рухсат берилмайди

Ойбек ҚҲРҲЗОВ,

Хоразм вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

билар ҳар доим ҳам ўз ниятларига эриша олмай-дилар.

Гурланлик фуқаро Зарип Аллаберганов МХХнинг Хоразм вилоят бошқармаси бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилиб, унда турмуш ўртоғи Мунаввар Саидова раҳбарлик қилиб келган Гурлан туманидаги "Шердак" фермер ҳўжалигига "Гурлан пахта тазалаш" очик акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Нуриддин Юлдошев 2009 йил пахта ҳосили даврида 17 тонна пахтадан ундан сўрмасдан қўшиб ёзганлиги учун 6 млн. 800 минг сўм пулни тамагирлик йўли билан пора тариқасида талаб қилганлигини, Н.Юлдошев ушбу пулни газначиси Ҳ.Халметов орқали бериб юборишни таъкидлаганлигини билдириб, уларга нисбатан қонуний чора қиришни сўраган.

Ушбу мурожаат асосида МХХ Хоразм вилоят бошқармаси ва вилоят прокуратураси ходимлари томонидан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда Н.Юлдошев жамият газначиси Ҳ.Халметов орқали Марказий буюм бозори рўпарасидаги кўчада 4 млн. сўм нақд пулни Зарип Аллабергановдан пора тариқасида олган пайтда жиноят устида ушланган.

Қилиши-қидириши. Нуриддин Юлдошев ва унинг ҳамтовоқлари қонун олдида жавоб бердилар.

Юртимизда иқтисодий имкониятлар тобора кенгайиб, шу асосда иш ҳақлари ҳам ошиб бораётган, қолаверса, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун етарли шарт-шароитлар яратилаётган, бир сўз билан ифодалаганда эса, фаровон турмуш кечириш учун қонуний асослар яратилган бугунги даврда шахсий манфаатларни давлат манфаатларидан устун қўйиш, ўзганинг ҳақиқа хийнат қилишни асло кечириб бўлмайди.

Касодга учраган «савдо»

Бухоро шаҳрининг энг гавжум жойларидан бири — "Дилқуш" бозори. Расталар саранжом-саришта. Куннинг исталган вақтида эҳтиёжингизга яраша хоҳлаган харидингизни қилишингиз мумкин.

Рафиқ ТОҲИРОВ,

СВОЖДЛҚК Департаментининг
Бухоро шаҳар бўлими инспектори

Айни шу бозорда яширин тарзда доллар савдоси билан шуғулланадиганларнинг ҳам махсус жойлари бор. Бозор сумка кўтарган йигит ўтиб-қайтаётганларга сирли қараб қўлиб, паст овозда гап қотди:

— Доллар, российский рубль оламиз.

— Кўки керакми?

— Фақат катта пуллар берамиз. Майда-чўйда қилиб ўтирмаймиз.

Ихчам дўконларда товар-маҳсулотлар сотиш унчалик аҳамиятга эга эмас. Бироқ, бу дўконлар харидордан пуллари санаб олиш, долларни сотиш учун қулай жой. Соҳиб Эгамбердиев "Дилқуш" бозори ҳудудига 5-сонли савдо шохобчасида Ҳикматулло Қаҳаровга қонунга хилоф тарзда 4 минг 200 АҚШ долларининг хар бирини 2410 сўмдан жами 10 млн. сўмга пуллаётганда қонун қармоғига илинди.

Савдо дўкони кўздан кечирилганда, у ерда 22 млн. сўм пул борлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари амалга оширилмоқда. Қилган хатти-ҳаракати учун қонун олдида жавоб бераётган доллар-фурушининг савдоси касодга учради.

Кейинги пайтларда жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солиб келаётган гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ муаммолар ҳали-ҳануз ечимини топмай келмоқда. Бу иллатнинг кишилар соғлиғи, оилалари, иқтисоди, одоб-ахлоқ, умуман инсон ҳаётининг барча соҳаларига солаётган таҳдиди эса тобора ортиб бораётир. Бутун гиёҳвандликка қарши курашиш мақсадида халқаро учрашувлар ва ўзаро давлатлараро тузилаётган битимлар ҳаётига татбиқ этилаётган бўлишига қарамай бу хатарни тагтомири билан йўқ қилишнинг имкони бўлаётгани йўқ. Дарҳақиқат, мамлакатимизда ҳам бундай иллатга қарши курашиш мақсадида барча чора-тадбирлар қўриб келинмоқда. Ана шундай амалга оширилаётган назорат тадбирларида бу каби жиноят билан шугулланаётган шахслар афсуски учраб келаётир.

Собир Орипов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) аввал ҳам судланган бўлиб, давлатимиз томонидан унга тўрғи йўлни танлаб олиши учун имконият яратиб берилганди. Аммо Собир каби кимсалар боши минг бора деворга урилса-да, асло тузалиш йўлига ўтмайди. Улар танлаган йўл "оқ

ажал", яъни гиёҳвандлик воситалари савдоси. Уй-хаёлларида қандай йўл билан бўлмасин бойлик орттириш. Собир ҳам шу йўлни танлади. Қирғизистонлик Абдор исмли кимса билан тил бириктиргач, унга қўнғирроқ қилиб, гиёҳвандлик воситаларини Ўзбекистонга етказиб беришини сўрайди. Абдор Фарғонада яшовчи синглисидан хабар олишни никоб қилиб, 80 дона гургут қутисидagi 520 грамм "марижуана"ни мамлакатимизга олиб қиради. У "Файз" номли биллиардхона олдига Собир билан учрашиб, "товар"ни келишилган сумага пуллайди. Молни олган Собир асли андижонлик бўлиб, Тошкент шаҳрида яшаётган Нодир Камоллова телефон орқали "марижуана" борлигини маълум қилади. Ўзаро савдолари пишгач, Собир молни картон қаробаканг тагига берkitиш, устига мевалар солган ҳолда пойтахтга жўнатади. У бу ишнинг ортидан мўмайгина фойда кўради.

Аср вабоси

Аҳмаджон ТҲУТАСИНОВ,
Фарғона вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

Осон йўл билан топилган даромад уни яна ишга қорлайди. Шу боис яна Абдорга мурожаат қилади. Абдор "йўқ" деймай, 2010 йилнинг 4-5 декабрь кунлари синглисини қўриш баҳонаси билан 170 дона гургут қутисида 1120,62 грамм "марижуана"ни олиб келади. Собир гиёҳвандлик воситаларини 600 АҚШ долларига сотиб олиб, уйига келтиради. 52 граммни ўзи истеъмол қилиб, қолганини керакли манзилга жўнатиш тараддудига тушади. Бу сафар ҳам эски усулни қўлаб, "марижуана"ни картон қаробкага жойлаштиради. Кейин уқасининг Исроил исмли ўртоғига учрашиб, қаробкага солинган меваларни Тошкентдаги қариндоши Нодирга жўнатишни сўраб, унинг телефон рақамини беради. Мева тагига нима яширинганидан бехабар Исроил 8 декабрь кун қаробкаларни Марғилон-Тошкент йўналиши бўйича қатновчи автоташуналар тўхташ жойига олиб боради ва ҳайдовчилар билан "мева"ларни пойтахтга етказиб бериш борасида ке-

лишади. Юкни машинага ортганидан сўнг Нодирга қўнғирроқ қилиб, "мева"ларни жўнатиб юбораётганини маълум қилади. Машина Олтиариқ тумани Қапчугай қишлоғи худудидан ўтаётганда Фарғона вилоят ИИБ ЙХБ ва МХБ Олтиариқ туман бўлинмаси ходимлари томонидан тўхтатилиб, текширув натижа-сида гиёҳвандлик воситалари топилади. Шу тарика Собирнинг жиноий хатти-ҳаракатлари ошкор этилади.

Инсоннинг олдига доимо иккита йўл бўлади. Афсуски, Собир жиноят йўлини танлади ва узок муддатга озоликдан маҳрум этилди. Энг асосийси эса, одамни пичоқсиз сўювчи захри қотил йўқ қилинди. Агар у манзилга етиб борганида, ким билсин, қанча одамнинг ҳаётини зулматга айлантирар эди.

Инсофсизга эрк берсанг...

Шухрат АҚРАМОВ,
Олтинсой туман прокурори

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар туфайли соҳиб ширкат ҳўжаликлари ўрнида фермер ва деҳқон ҳўжаликлари ташкил этилди. Бундан қўзланган мақсад, қишлоқ ҳўжалигида тўб ислохотларни амалга ошириш, пахта, сабзавот, поллиз ва бодорчилик, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, уларнинг бозордаги нарҳини арзонлаштириб, шу тарика халқимизнинг бундай маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, энг муҳими эса, ернинг эгаллик ҳўқуқини таъминлашдан иборат эди.

Юрагида ўти бор, деҳқончиликнинг сир-асрорларидан хабардор, элим деб, юртим деб яшайдиган одамлар учун ана шундай имкониятлар яратилди. Тан олиш керак, Президентимиз томонидан берилган имкониятлардан фойдаланиб, ўзини ҳам, элини ҳам бой қилаётган фермерларимиз сароб. Уларга элнинг раҳмати ёғилиб, эл орасида ҳўрмат ва эътиборлари ҳам кун сайин ортиб бормоқда.

Аммо ерни эгаллаб олдим, ундан ўз билганимга фойдаланиш ҳўқуқига эгаман, дейдиган калтабин фермерлар ҳам бор эканки, бундайлар давлат шартномаси режасини бажариш ўрнига ўзларига берилган ерлардан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиб келишмоқда. Гоҳида эса, худди отасининг мулкидек сотиб юбормоқда.

Аммо ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан улар йўлига гов қўйилиб, адолат мезонлари тикланмоқда, айбдорлар тегишли жазога тортилиб, ерлар қайтарилмоқда.

Олтинсой туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йилдаги "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги (янги таҳрирдаги) Фармони ҳамда Ва-



зирлар Маҳкамасининг "Фермер ҳўжаликлари берилган ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига қўра, ҳар бир фермер ўзига бириктирилган ердан пахта, галла ва шартномада кўрсатилган шартлар асосида сабзавот ва поллиз маҳсулотларни етиштириш мониторинг текширишидан ўтказиб борилмоқда ва аниқланган қонунбузилиш ҳўлатларига ўз вақтида чек қўйилмоқда.

"Инсофсизга эрк берсанг, ҳам бўйидан, ҳам энидан уради" деган гап рост экан. Олтинсойлик Очилди Шўкуров ҳам "Очилди Шўкуров" номли фермер ҳўжалиги ташкил этган эди. Қараса, фермерлик маза экан. Ихтиёрида анчагина майдон, кўл остида "лаббай" деб турадиган ишчилари, банкда сармоясини, қишлоқда обрўсини бор.

Орадан икки йилча вақт ўтар-ўтмай, фермер босар-тусарини билмай қўлди. Экин-тикиндан, ойлик иш ҳақларидан, ўғит-у ёқилгидан тушадиган "чўтал"лар унинг нафсини қондира олмай, кейинчалик фермер ҳўжалигига тегишли ерларни хомталаша этишга киришди. Ўзининг қинғир ишларига фермер ҳўжалиги бириктирилган ФХУ бошлиғи К.Қорақулловни ҳам шерик қилиб, томорқа сотишдан тушган миллионларни жиғилдонларига ўтиради.

Ҳар қандай қинғир ишларнинг қийми, албатта, қички. Давлатнинг ери эгасиз эмас. Туман прокуратурасининг аралашуви билан фибрибгарларнинг йўлига тўсик қўйилди.

2010 йилнинг 2 март кун жиноят ишлари бўйича Олтинсой туман судида О.Шўкуров ва К.Қорақуллова тегишли жиноят иши қўриб қичилди.

Иш ҳўлатига қўра, тумандаги собик "О.Шўкуров" фермер ҳўжалиги бошлиғи вазифасида ишлаб келган О.Шўкуров туман ҳўкимининг қарори билан бириктирилган 42,8 гектар заҳира ер майдонидан талаб этилганда қайтариб бериш шарт билан фойдаланиб келган. Кейинчалик бўлса, фермерлар уюшмаси раиси К.Қорақуллов билан тил бириктириб, 2004 йил 26 августдаги "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасида кўрсатилган фермер ҳўжалигига ер майдонини ижарага берилиши, фермер ҳўжалигига берилган ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланиши, улар хўсўсийлаштирилиши, шунингдек, олдидан, сўдидан, гаров, ҳадя, айир-бошлаш объекти бўлиши ва иккиламчи ижарага берилиши мумкин эмаслиги ҳақида талабларига риоя қилмасдан, К.Қорақулловнинг топшириғига асосан, фўқаролар А.Шаймарданов, А.Абраев, А.Нурматов, Б.Худойназаров, Т.Холов, Ж.Қурбонов, Х.Очилдиев, З.Мусурманова ва Т.Нурматов каби 16 нафар фўқарога фермер ҳўжалигига қарашли 3,2 гектар ер майдонини 13 млн. 865 минг сўмга яқка тартибдаги уй-жой қўриб, фойдаланишлари учун сотиб юборган.

Қонунбузарлар жазоларини оломиқ, ўй-жойлар қўрилиб, томорқа сифатида фойдаланиб келинаётган ер майдонларини фермер ҳўжалиги тасаруфига қайтариш ҳамда қўрилган иморатларни фўқаролар ҳисобидан буздириб ташлаш учун Денов туманлараро фўқаролик судига даъво аризаси киритилди. Даъво аризаси суд томонидан қўриб қичилиб, тўлиқ қаноатлангилди.

Тадбиркор ниқобидаги фибрибгар

Алишер МУХТОРОВ,
Мирзо Улуғбек туман прокуратураси катта терговчиси

Меҳнат қилиб пул топиш, даромад қилиш, шунинг ортидан фаровон яшаш ҳар бир инсоннинг мақсади. Бу мақсадга етишнинг йўллари бехисоб. Қайси йўлни танлаш эса ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Ҳамшаҳримиз Сўрат Набиев (исм-фамилиялар ўзгартириб келинмоқда) ҳам эл қатори яшашни, 3 нафар фарзандини кам-қўстсиз вояга етказишни орзу қилар эли. Аммо ўттиз беш ёшнинг қораллаб ҳам бирор ишнинг, касб-корнинг бошини тутмаган йигитдан бунини қўтиб бўлармики?

Меҳнатга бўйни ёр бермаган инсон фаровон турмушни хаёл қилмасам бўлади. Лекин С.Набиев бунини тан олгиси келмас, шу боис қандай бўлмасин, меҳнатсиз даромад қилиш дардида ўзини ҳар қўйга солишдан ор қилмас эди. Бир сафар содир этган фибрибгарлик жинояти учун суд ҳўкми билан жазосини ўтаб қичиб ҳам қўзи очилмади. Фибрибгарликни касб қилганлар бор экан, уларга алдананганлар ҳам топилади. С.Набиевга ўзининг эски таниши У.Фарзиевани чўв тушириш қийин кечмади. Олдинига анги иш бошлагани, агар омади келса, тез орада бойиб кетиши ҳақидаги чўпчакларига У.Фарзиевани ишонтирди. Ҳар гал унинг олдига борганида ўзини катта бизнесини бошлаб қўйган тадбиркордай тутишини ҳам улдасидан қичди.

Кунларнинг бирини у ташвишли қиёфада У.Фарзиевнинг олдига кириб боради. У.Фарзиева ундан бунинг сабабини сўраганида, "Биласини Умида, ишларим яхши кетаётгани, аммо 1000 доллар зарил бўлиб қолди. Агар пулдан қарашиб турсанг, фойдаси билан қайтардим".

Начора, йигитга имкон бериш керак. У.Фарзиева "тадбиркор"га 1000 АҚШ долларини санаб беради. Ҳаммаси шундан кейин бошланади. Мўмай келган 1000 долларни ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборган С.Набиев қўл ўтмай У.Фарзиевадан яна қарз сўрайди. Бу сафар ҳам унга ишонган У.Фарзиева 850 АҚШ долларини бериб юборади. Аммо...

Орадан олти ой ўтиб, "тадбиркор" яна эски танишини йўқлаб келади. Бу сафар уни ишонтириш осон кечмайди. "Яна 2000 доллар қарз бериб тур, бўлмаса бизнесим синиб, хонавайрон бўламан. Унда сендан олган қарзимниям, фойдасиниям қайтаролмай қоламан" дея У.Фарзиевага ялинган бўлади.

У.Фарзиева яна унга ишонди ва 2000 АҚШ долларини қўрдай санаб беради. Қизиги шундаки, у С.Набиевдан қандай бизнес билан шугулланаётганини тузукроқ сўраб ҳам қўрмайди. Бу ишонувчанлиги унга қимматга тушади. Орадан бир йил ўтиб ҳам сохта тадбиркордан пулларини қайтариб ололмай сарсон бўлади. Оқир-оқибат У.Фарзиева ҳўқуқ-тартибот органига мурожаат қилади.

Бу орада С.Набиев яна бир жиноятга қўл уриб улгурган экан. Унинг бекор юрганини билган Ш.Қомиллов унга иш тақлиф қилади, яъни ўзининг "Матиз" автомобиласини С.Набиевга ижарага беради. Аммо С.Набиев уни ҳам чўв тушириб кетади. Кунларнинг бирини у Ш.Қомиллов ҳўзурига чақириб, банкка олиб бориб топшириш учун ишончнома билан 20 млн. сўм пулни бериб юборади... Бу билан гўё "қўйни бўрига ишониб топширади".

Шу тарика С.Набиев Ш.Қомилловга тегишли 20 млн. сўмни олиб қайқақадир қўйиб бўлади. Фибрибгар қисқа муддат ичида қўлга олинади.

Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судининг ҳўкми билан фибрибгар тегишли жазосини олди. Энди у беш ярим йиллик жазони умумий тартибда колонияда ўташга мажбур.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси,
85А-уй. Тел: (8366) 233-80-56. **www.rkmb.uz.**
Лицензия: DB 001 №000004.

Бағрикент инсон



шида этиб, жамоатчилик этиборига сазовор бўлди.

У Самарқанд шаҳар ва вилоят прокурорининг ёрдамчиси, бўлим бошлиғи, Каттақўрғон, Хатирчи, Иштихон туманлари прокурори, Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг бошлиғи ва вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Адолатпарварлиги, камтарлиги, бағрикентлиги, самимийлиги билан ҳамкасблари ҳурматига сазовор бўлди. Вижоданон ишлашни ўргатган шоғирдлари ҳозирги кунда Республика ҳуқуқ-тартиб органлари тизимида хизмат қилмоқдалар.

У кишининг кўп йиллик меҳнатлари ҳуқуқимиз томонидан муносиб баҳолашиб, "Мустақиллик" нишони ҳамда икки мартаба "Фахрий ёрлик" билан тақдирланди.

Ҳурматли Хайдар Исмолович, бугунги шодиёна кунда Сизга ва оила-аъзоларингизга мустахкам соғлиқ, узок умр, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилаймиз. Барча эзгу ниятларингиз рўйга чиқсин!

Самимийлик тимсоли

Умрини фуқаролар манфаатларини



химоя қилишга бахшида этган инсон, прокуратура фахрийиси Пармон Расулов кутлуг 75 ёшни қаршиламоқда. У 40 йилдан ортқ меҳнат фаолияти давомида, жумладан, 26 йилга яқин Самарқанд вилоят прокуратура, адлия ва суд органлари тизимида, яъни вилоят прокуратурасида бошқарма прокурори, вилоят адлия бошқармасида бўлим бошлиғи ўринбосари, Нарпай туман суди раиси, вилоят суди аъзоси, туман прокурорининг ёрдамчиси, вилоят прокуратурасида бўлим катта прокурори, вилоят прокурорининг ёрдамчиси ҳамда катта ёрдамчиси лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Пармон Расулов меҳнатсеварлиги, кўп йиллик амалий иш тажрибаси, теран билими, шоғирдларига бўлган ғамхўрлиги, самимийлиги билан ҳамкасблари ҳурмати ва эъзозига сазовор бўлди. Ишчанлиги, изланувчанлиги, ташаббускорлиги билан ҳуқуқ-тартиб органлари ходимлари орасида ҳурмат қозонди.

Кўп йиллик меҳнатлари прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолашиб, бир неча мартаба рағбатлантирилди.

Ҳурматли Пармон Расулович, Сизга ва оила-аъзоларингизга узок умр, сийхат-саломатлик тилаймиз. Табарруқ 75 ёшингиз муборак бўлсин. Барчамизнинг бахтимизга доимо омон бўлин!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

Жаҳон чемпионатининг илк учрашувини йирик ҳисобдаги мағлубият билан бошлаган Ўзбекистон ўсмирлар (U-17) терма жамоаси яқинда 6 очко билан гуруҳда биринчи ўринни қўлга киритди.

Кутилмаганда ўсмирларимиз Янги Зеландия ўсмирлар терма жамоасига 1:4 ҳисобида ютқазиб қўйишди. Умуман олганда, ҳисоб ўйинга мос бўлмаганда. Вакилларимиз кўпроқ ташаббусга эга бўлишди, кўпроқ зарбалар беришди, гол уришни эса рақиблар қўйилатаверди. Уша кун мудофаа чизимини жуда бўш ўйин кўрсатганини тан олмасдан иложимиз йўқ. Эслаб кўринг, биринчи ва иккинчи гол химоячиларимизнинг сузташлиқлари оқибатида киритилган эди. Учинчи гол эса химоячиларимизга қўшилиб, дарвозабонимиз Фанишер Холмуродовга тўпга чиқшида журъат етишмади. Тўртинчи гол эса умуман йўқ жойдан дарвозамизга киритилди. "Катта саҳна"га яна дарвозабон Фанишер Холмуродов чиқди. Ҳеч қандай рақиб таъкиб қилмаётган бир вазиятда дарвозабонимиз жарима майдончаси ташқарисида тўпни ушлаб олди ва ҳакам жарима зарбаси белгиланди. Янги зеландияликлар бу имкониятни ҳам қўлдан бой беришмади.


Уша ўйинда терма жамоамиз нима учун бу қадар йирик ҳисобда мағлубиятга учради? Бунинг бир нечта омиллари бор. Биринчидан, ўсмирларимизни бундай турнирда биринчи марта иштирок этатганликлари сабабли, уларни мусобақа сурури босди. Иккинчидан, Осиё чемпионати финалида қизил картонча олган жамоа сардори Аббосбек Махталиев ҳамда марказий химоячи Сардор Раҳмоновларнинг майдонда йўқлиги билинди. Аббосбек тўпни назорат қилиш ва жамоадорларини олдинга бошлаш олиш қўбилиятига эга. Айнан майдон марказида унинг йўқлиги сабабли ўйин қовушмади. Ноаниқ тўп узатишлар, пала-партишлик билан ҳужум ташкил қилиниши натижага салбий таъсир ўтказди. Химояда Сардор Раҳмоновсиз ўйнаган ўсмирларимиз ўзларини буткул йўқотиб қўйишди. Олдий ҳолатларда ҳам рақибларига имкониятни бой бериб қўйишлари натижасида ҳисоб йириклашиб кетди. Иккинчи гол дарвозамизга киритилган вазиятни едга олиб кўрадикан бўлсак, рақиб дарвозабонимиз билан биргавир вазиятга чиқиб борганда Холмурод тўпни қайтарди. Рақиб эса йиқилди. Ортдан етиб келган химоячимиз тўпни "тепсаммикан-тепсаммикан" деб ўйлаб олгунча, рақиб ўрнидан туриб, гол уриб кетди. Учинчи сабаб, икким, яъни об-хаво. Тўғри, Ўзбекистон Футбол федерацияси муҳитга мослашиб олиш учун бир неча кун олдин Мексика сафарини ташкиллаштириб берди. Аммо 38 даражадаги иссиқда майдонда тўп тепишининг ўзи бўлмайди. Кимлардир бу ҳолатга "баҳонадан бошқа нарса эмас", дея эътироз билдириши мумкин. Ана шундайларга шундай иссиқда 90 дақиқа бир тўп тепиб куришни маслаҳат берган бўларди. Шу кун ҳужумчимиз Темур Ҳакимов Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг жаҳон чемпионатидаги илк голини киритди. Бу ҳам бир тарих.

Биринчи ўйиндан кейин кўпчилик Мисрда бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги Жаҳон чемпионатини эслаган бўлса ажаб эмас. Ушанда Осиё чемпионатида аjoyиб ўйинлари билан муҳлислари осмон қадар қувонтирган Аҳмад Убайдуллаевнинг шоғирдларини таниб бўлмаётган эдик. "Наҳотки, ўсмирларимиз ҳам шу аҳволга тушиб қолса?", дея ҳадик пайдо бўла бошлади. Ўсмирларимиз иккинчи турда бундай ҳадикларга асло ўрин йўқлигини ишбатлашди. Таркибга Махталиев ҳамда Раҳмоновнинг қайтиши жамоамизнинг ўз кучига бўлган ишончини бир қадар оширди. Вакил-



Тарихий ғалабалар

ларимиз бу турда КОНКАКАФ минтақаси чемпионати, биринчи учрашувда чехларни 3:0 ҳисобида мағлуб этган мусобақа фаворитларидан бири АҚШ ўсмирлари билан тўқнаш келишди. Футболчиларимиз таваккалга олдинга ташланишдан кўра, рақибларнинг майдон марказида кутиб олиб, тезкор қарши ҳужумларга таянишди. Уйиннинг 13 дақиқасида тезкор қарши ҳужумга ўтган вакилларимиз Бобур Давлатовнинг аjoyиб зарбасидан сўнг ҳисобни очди. Америкалик футболчилар жамоамиздан бундай ўйин кутмаган шекилли, бироз довдираб қолишди. Бундан фойдаланган футболчиларимиз яна бир тўпни рақиблар дарвозасига жойлаштиришди. Аммо россиялик ҳакам голни инобатга олмади. Эмишди, тўп узатилаётган вазиятда Аббосбек Махталиев ўйиндан ташқари ҳолатга тушиб қолган экан. Такрорий лаҳзалар эса Аббоснинг ҳеч қандай офсайда эмаслигини исботлади. Агар ўша гол ҳисобга олинганда ким билсин, америкаликлар бутунлай "шок"қа тушиб қолишарми? Бўғи энди бир тахмин. Яхшики, ўсмирларимиз ҳакамнинг ноҳақ қароридан тушкунликка тушмай, муборакбининг кўрсатмаларини бекамикўст бажариш ҳаракатида бўлишди. АҚШ ўсмирлари майдон марказига келгандан кейин ўёғига қандай юришни билмай қолди. Сабаби, футболчиларимиз ўзларига тегишли бўлган майдоннинг иккинчи ярмида рақибларнинг барчасини яхши қўриқлашди ва ҳужумкорлиқни ўз қўлларига олди. Иккинчи бўлимининг бошида рақибларимиз ҳисобни тенглаштиришдан бўлишга қарамай, ўсмирларимиз яқинда барибир ғалабани олиб кетишди. 54 дақиқада Аббосбек рақиб



жарима майдончаси ичида йиқилди. Ҳа, ўша вазиятда ўсмирларимизнинг сардори айнан 11 метрлик жарима зарбаси ишлашни мақсад қилгани сезилди. У бунга аjoyиб тарзда урдалади ва ҳакам бунга ишонди. Қайсидир маънода ҳакам аввалги ҳатосини оқлаб берди. Пенальтини эса айнан Махталиевнинг ўзи тепди ва жамоамизга ғалаба келтирди. Бу нафақат ўсмирларимизнинг, балки терма жамоаларимизнинг Жаҳон чемпионатидаги илк ғалабаси эди. Яна кимсан АҚШда катта давлат вакиллари таслим этилди. Ғалабанинг асосий омилли сифатида футболчиларимизнинг рақибни ўз ўйинларига мослаштиришганини кўрсатиш мумкин. Ҳатто АҚШ ўсмирлар терма жамоаси беш муборакбининг ҳам ўйиндан сўнг берган интервьюсида шоғирдлари ўзбекистонлик футболчиларнинг "ноқорасига" ўйнаганлигини билдириб ўтган. Дарҳақиқат, иккинчи турда ўсмирларимиз аjoyиб футбол намойиш этишди ва тарихий ғалабани қўлга киритишди.

Гуруҳдаги сўнгги рақибимиз Чехия терма жамоаси эди. Учинчи тур

Максудали ҚАМБАРОВ,
«Huquq»

олдидан кўпчилик математик ҳисоб-китобларга берилиб кетгани ҳам турган гап. Одатда терма жамоаларимиз бизни шундай математик ҳисоб-китоб қилиб ўтиришга мажбур қилишар эди. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасини дуранг натижа ҳам бемалол гуруҳдан олиб чиқар эди. Ҳатто мағлубиятга учраган тақдирда ҳам шундай имкониятга эга бўлиши мумкин. Бунинг учун АҚШ ва Янги Зеландия терма жамоалари ўртасида ўтадиган учрашувдаги натижа катта аҳамият касб этарди. Бирок, ўсмирларимиз ана шундай ҳисоб-китобларга ҳеч қандай ўрин қолдиришмади. Даставвал чехлар пенальтидан ҳисобни очиган бўлса-да, вакилларимиз осонликча таслим бўлишни истамади. Ўз омадини рақиб жарима майдонидан кидирган ўсмирларимиз охири-оқибат биринчи бўлимининг сўнгги дақиқаларида ҳисобни тенглаштиришди. Иккинчи бўлимда чехлар бор кучлари билан олдинга ташландилар ва қарши ҳужумда вакилларимизда кўплаб қўлай имкониятлар пайдо бўла бошлади. Айниса, 72-дақиқа Аббосбек Махталиев жамоамизни олдинга олиб чиққандан кейин Европа вакиллари бутун жамоа бўлиб, ҳужумга ўта бошлашди. Натижада химоядан биргина тўп ошириш орқали ҳам рақиб дарвозабонни билан бирга-бир киқиб имкониятлари ҳам пайдо бўлди. Аббосбек Махталиев ҳамда Темур Ҳакимовлар ана шундай қўлай вазиятдан фойдалана олишмади. Тўғриси, рақиб дарвозабони жонбозлик кўрсатди. Ўйин сўнгига қадар 2:1 ҳисоби сақланиб олди ва Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси гуруҳ баҳсларини пешқадам сифатида яқунлади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ўзининг Жаҳон чемпионатидаги илк иштирокидаёқ гуруҳдан голиб сифатида киқиб вазифасини урдалади. Бу албатта, ўзбек футболига берилаётган эътибор меъаси. Ҳозирда мамлакатимизда миллионлар ўйинига давлат даражасида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёш авлодининг футбол билан шуғулланиши учун барча шарт-шароитлар яратилаётганининг натижасини бугун ўсмирларимиз исботлаб беришпти. Асосийси, бутун дунё эндиликда ўзбек футболига ўзгача ҳурмат билан қарашга мажбур бўлмоқда. Авваллари терма жамоаларимизнинг Жаҳон чемпионатида иштирок этишининг ўзи катта гап эди. Бугун эса ўсмирларимиздан улкан натижалар кутамиз. Кейинги натижалар қандай бўлишидан қатъий назар, биз ўсмирларимиздан миннатдоримиз. Улар ўзбек футбол тарихида янги саҳифалар очиб беришмоқда ва хали бу ишни давом эттиришади. Нимчорак финалдаги рақибимиз ўзининг таниш бўлган Австралия. Ўсмирларимизнинг "кенгурулар" тўсиғидан ўтишларига ишонсак бўлади. Футболчиларимиз чемпионлиқни қўзғашмоқда. Мана шунинг ўзи катта гап. Демак, ҳали ҳаммаси олдинда. Ёхтимол, чиндан ҳам ёш футболчиларимиз юртимизга кубок билан қайтишар. Уларга омад, олға йигитлар!

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV Baxtiyor NAZAROV
Muxtor ZOIROV (Bosh muharrir)
Gulnoza RAHIMOVA o'rinbosari
Yusupboy G'OIPOV Shavkat YODGOROV
Svetlana ORTIQOVA (mas'ul ko'nb)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53
Faks: 233-10-53, 233-64-85

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan go'yoymalar taqir qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
□ — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma № 2149. 52 556 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teridi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: O' DEHQONOV
Musahhih: M. QAMBAROV
Navbatchi: O' DEHQONOV

Bosmashonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.10 12 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyoti matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2030-7637
4 770 010 763 004